БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 8 март 1996 йил, жума • № 20 (267)

Бизни замон танлади

Ҳеч бир даврда аёллар, XX асрда бўлгани каби ижтимоий-сиёсий ҳаётга чуқур ва изчил аралашмаган бўлсалар керак. Асримизнинг сўнгги ўн йилликларида эса, иқтисодиёт барча жабҳалардан устун тура бошладики, «гўзал жинс соҳибалари» бу соҳага ҳам кенг кўламда кириб келдилар. Ҳозирги кунда улар жаҳон тижорат олами, ишбилармонлик жараёнида салмоқли ўринни эгаллаб келишаётгани рост.

Мустақил республикамизнинг ўз иқтисодий истиқболларини яратиш йўлига ўтганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай,бугунги иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аёлларимиз аллақачон ўз обру-эътиборини топа билдилар. Қарийб беш йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Тадбиркор аёл» жамоат ташкилоти мавжудлигининг ўзиёқ фикримизнинг далили бўла олади, менимча.

Эътибор берилса, уюшмамиз, ҳали республикадаги ислоҳотлар авж паллага чиқмаган бир пайтда—1991 йилнинг 21 июнида «Тадбиркор аёл» Узбекистон Республикаси ишбилармон аёллар уюшмаси номи билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган эди. Тўртбеш нафар аёлнинг ташаббускорона саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган жамоат ташкилотининг эса, бугунга келиб, республикада 3000 дан ортиқ аъзоси бор.

Маълумки, иқтисодий ислоҳотлар йўли билан бозор муносабатларига ўтиш, пировард натижада юртимизнинг истиқболли келажагини барпо қилиш вазифаси шу заминда яшовчи ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Ана шу вазифаларни бажаришни мардонавор ўз зиммасига олган замонавий аёлларга уюшмамиз яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Аввало шуни эслатиб ўтиш лозимки, уюшмамиз жамоат ташкилоти бўлгани учун, у ҳеч бир давлат ёки тижорат тармоғи томонидан молиявий таъминланиб турмайди. Унга расмий равишда аъзо бўлиш учун якка шахслар 500 сўм, юридик шахслар 2,5 минг сўм миқдорида имконияти туғилган заҳоти аъзолик бадалларини тўлайдилар. Хўш, нима учун «имконият туғилган заҳоти» деган табиий савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, уюшмамизнинг асосий мақсад-фаолияти республика аёлларини тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга жалб қилишга йўналтирилган. Агар биз аъзолик бадалларини дастлабки кунданоқ қабул қиладиган бўлсак, тадбиркорлик фаолиятига тўртки эмас, «зарба» берган бўлар эдик. Шунинг учун уюшма дастлабки малакаси ҳамда ишлаб чиқаришда илғор тажрибаларни қўллай олиши муҳим аҳамиятга эга. «Тадбиркор аёл» республика уюшмаси Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури томонидан ташкил этилган «Бозор қуникмаларини ривожлантириш маркази» ҳамда «Ишбилармонлик алоқалари Маркази»га таъсисчилик қилаётир. Бу дастур асосий эътиборни Узбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига қаратган бўлиб, ҳозирги кунда соҳа кишилари ўз малакасини ошириш учун Англия ва Италия мамлакатларига бориб келиш имкониятига эгалар. Бундан ташқари «Тадбиркор аёл» уюшмаси Германиянинг техника Маркази, «Конрад Аденауэр» фонди, «Карл Дуйсберг» жамияти, Германиянинг Иқтисодиёт ва Сиёсат жамиятлари билан узвий алоқалар боғлаган. Бу ҳамкорлар маркетинг, менежмент, бизнес-режа тузиш ишларида маҳаллий аҳолимизга яқиндан ёрдам бериб келаётир. Чунончи, Узбекистон саноати тармоғида узига хос ютуқларга эга бўлган «Юлдуз», «Шарқ гули», «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамиятларининг ходимлари «Карл Дуйсберг» жамияти дастури бўйича икки ҳафталик ўқув машғулотида қатнашишди. Бу сингари ўқув машғулотларини йил давомида ташкил этиб туриш режамиздаги вазифалардан ҳисобланади.

«Тадбиркор аёл» уюшмаси соҳа кишилари билан бевосита алоқада ўрнатганлиги сабабли мамлакатимиз аёлларининг имконият даражаси, қизиқиш ва кундалик ташвишларидан яхши хабардор. Қолаверса, ҳар бир вилоятда уюшмамизнинг мустақил бўлимлари ишлаб турибдики, бу бизга жойлардан етарлича маълумотлар олиш имконини беради. Шу маълумотларга асосланиб, ҳар бир ҳудуднинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркор аёлларга ёрдам қилини чўзамиз. Хусусан, германиялик ҳамкоримизнинг ЭПОГ дастури бўйича Узбекистон аёлларига совға сифатида юборган 21 та тикув машинаси Тошкент шаҳри маҳаллаларидан бирига ўрнатилди. Эндиликда бу ускуналар жойлардаги меҳнат билан банд бўлмаган аёлларнинг маълум қисмини ишга жалб этди. Фарғона водийси республиканинг энг зич жойлашган ҳудуди ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу жойлардаги ижтимоий ҳимоя, меҳнат билан бандлик масалалари оқсаб турибди. Аскед черков хизматининг лойиҳаси бўйича германиядан иккинчи сафар юборилган 45 та тикув машинаси ва бошқа хом ашёлар Қўқондаги «Ҳафизахон» хусусий фирмасига аталган эди. «Совғалар» Германиянинг ўзида 12 кун расмийлаштирилган бўлса, Тошкент чегарасига етиб келгач, расмийлаштириш ишлари уч ҳафтага чўзилиб кетди. Аниқланишича, бу маҳсулотлар учун Европа томонидан жўнатилган ҳужжатларни мамлакатимиз алоқа тармоқларида йўқотиб қўйишган. Натижада «эгаси ноаниқ бўлган» 45 та тикув машинаси Тошкент чегарасидаги божхона хизмати омборхонасида сақланди. Уюшмамиз ана шу муаммоларни ҳал қилиб, омборхонада туриб қолган товар учун алоҳида хирож тўлаб, уларни «Ҳафизахон» хусусий фирмасига минг бир машаққат билан олиб берди.

«Тадбиркор аёл» Узбекистон Республикаси ишбилармон аёллар уюшмаси иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ўз ижтимоий мавқеини ўрнатишга ҳаракат қилаётган, юртни обод этишдай муқаддас мақсадлар сари интилган барча ишбилармонларга яқиндан ёрдам бериб келади. Жаҳон андозаларига мос келадиган иш-тажрибаларни ўрганиш, сўнгги русумдаги технологиялар билан ишлаш, хориж мамлакатларидан ҳамкорлар топиш ишида кўмаклашади.

Бугун аёлларимизнинг муборак айёмида турган эканмиз мен бувию, онахонларимизни, опа-сингил ва дугоналаримни 8 Март байрами билан қутлайман. Уларнинг ҳаммасига соғлиқ-саломатлик, узоқ умр ва бахт-саодат тилайман. Мустақил диёримизнинг нурли истиқболи йўлида тинмай меҳнат қилаётган жафокаш халқимизга каттадан-катта омадлар тилайман.

Дилдора АЛИМБЕКОВА,
«Тадбиркор аёл» ассоциациясининг раиси.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Халқаро хотин-қизлар байрами - 8 март арафасида Россия концерт бирлашмаларининг артистлари хайр-эҳсон тариқасида томоша кўрсатдилар.

Россия санъаткорлари Республика қўғирчоқ театрида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Кичкинтойлар ўз оналари билан биргаликда машҳур эртаклар асосида яратилган ғаройиб спектаклни мароқ билан томоша қилдилар. «Концерт. Учрашув. Ўйин» мавзуидаги томошада болаларнинг ўзлари қатнашдилар.

Спектакль жажжи томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

БАЙРАМ АРАФАСИДА УЧРАШУВ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида талабаларнинг Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова билан учрашуви бўлиб ўтди. Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўтказилган бу учрашув «Узбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгартишларда аёлларнинг роли» масаласига бағишланди. Хотин-қизлар ҳаракатига таллуқли муаммолар ҳақида гап борди. Талабалар республика Хотин-қизлар қўмитасининг концепцияси билан таништирилдилар, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш ва улар соғлигини муҳофаза қилиш хусусидаги масалалардан огоҳ бўлдилар.

Жамият фаолиятининг ҳамма соҳаларида аёллар йил сайин тобора фаол қатнашаётганлигини таъкидлаб ўтилди. Ҳозирги талабалар орасидан аёл-дипломатлар вояга етадиган ва улар энг муътабар анжуманларда Ватанимизнинг ишончли вакиллари сифатида қатнашадиган кунлар узоқ эмас.

КОЛЛЕЖДА ТАНТАНА

Гўзаллик ва нафосат айёми — 8 Март байрами арафасида Фарғона кооператив коллежида тантанали маросим бўлиб ўтди. 100 нафардан ортиқ хотин-қизлар таклиф этилган кечани савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раиси У. Сайдаматов кириш сўзи билан очди.

«Фарғонасавдо» ишлаб чиқариш концерни раиси ўринбосари Ғуломжон Усмонов, меҳнат фахрийси Сурмахон ая Абдуназарова, вилоят «Тайёрлов-савдо» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик бошқармаси раиси ўринбосари Азимжон Собиров ва бошқалар тўпланганларни 8 Март байрами билан табриклашдилар. Савдо соҳасида кўп йиллардан бери хизмат қилаётган қирқдан ортиқ аёллар фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Кечада Фарғона кооператив коллежи бадиий ҳаваскорлик жамоаси концерт дастури билан қатнашди.

А. ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

• Россия мудофаа вазирининг Кубань раҳбарлари билан учрашувида ҳам мудофаа, ҳам ижтимоий муаммолар муҳокама этилди. Гап ҳарбий қисмларни Краснодар ўлкаси ҳудудида узаро манфаатли асосларда қўшимча равишда жойлаштириш ҳақида борди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг турар-жой ва ижтимоий шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар мажмуи кўриб чиқилди.

• Чет эл ахборот агентликларининг хабарига кўра, чоршанба куни бугун кун давомида Грознийда Россия Федерал қўшинлари жангчилари билан чечен отрядлари ўртасида қақшатгич жанглар давом этган. Россия томони жанговор ракета ва вертолетлардан фойдаланган. Шаҳар марказида ҳаракат тўхтатиб қўйилган. Чечен отрядлари марказий бозорни эгаллаб, Президент Доку Завгаев маҳкамаси томон йўл олишган.

ИТАР-ТАСС хабар қилишича, Ж.Дудаев телевидение орқали баёнот бериб, Чечен қўчлари Грознийга унинг буйруғига кўра ҳужум қилаётганларини айтган. Ўтган куни кечга яқин Серноводск қишлоғи ҳаводан кучли бомбардировка қилинган.

Давлат думасидаги «Яблоко» фракцияси ўт очишни зудлик билан тўхтатиб, чечен томони билан музокараларни бошлаб юбориш, шу жумладан сиёсий масалаларни ҳам кўриб чиқишга киришишни талаб этган.

• Ўтган куни Вильнюсда Польша Президенти Александр Восневский расмий ташрифи ниҳоясига етди. Маълумки, Польша Президенти Литванинг НАТОга кириши интилишларини қўллаб қувватлашини баён қилганди. Литва Президенти маслаҳатчиси Палецкис, ўз мамлакатининг НАТОга кириш ниятини изоҳлаб: «Литва ўзини иккинчи даражали давлат деб ҳисоблай олмайди. Шунинг учун у ҳам НАТОга кириш имкони бўлган ёки бу ташкилотнинг аъзоси бўлган мамлакатларнинг биринчи қаторида бўлишни хоҳлайди», -деган.

Литва мудофаа вазири Рейквичюс ҳарбийларга хос аниқ ва реал фикр юритиб ўз мудофаа тизимини яратиш мамлакатга қимматга тушиши, НАТО билан ҳамкорлик эса шу мақсадларга сарфланадиган ҳаражатларни кескин камайтиришини таъкидлаган.

ХОРИЖДА

• Эрон ташқи ишлар вазири Вилоятийнинг ўтган куни ниҳоясига етган Арманистонга ташрифи билан унинг Марказий Осиё ва Кавказга қилган катта сафари якунланган. Вилоятий у ердан Москвага йўл олган. Баъзи кузатувчиларнинг фикрича, катта доирадаги бу сафар Теҳроннинг ташқи сиёсий йўлидаги узаришдан далолат беради. Эрон ўзининг Шимолий қўшниларига эътиборни кўпроқ қарата бошлаган. Шу муносабат билан вужудга келаётган икки қарама-қарши Марказни таъкидлаш жоиз: яъни Теҳрон-Ереван-Москва бир томондан ва Вашингтон-Анқара-Бокуиккинчи томон кайфиятини ифодаламоқда. Арманистон ва Озарбайжон ташқи ишлар вазирлари шу икки мамлакат ташқи сиёсатига тўхталиб, бир-бирларини айблашгандан кейин бу янада яққол кўзга ташланди.

• 19 мартда АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Прагага келади. Бу ерда у НАТОга кириш истагини билдираётган Европа давлатлари ташқи ишлар вазирлари билан учрашади. Чехия ташқи ишлар вазири Йозеф Жеменес журналистлар билан ўтказган матбуот конференциясида шу ҳақда маълум қилган. Й.Жеменес Россия бош вазири В.Черномирдин ҳамда ўз ҳамкасби Е.Примаковлар билан музокаралардан сўнг бир кун оллин Москвадан қайтиб келгани учун матбуот конференциясида гап шу ҳақда бориши тахмин этилганди. Лекин чех ва чет эл журналистларини Шарқий Оврупо давлатларининг НАТОга киришга интилишлари кўпроқ қизиқтиради.

• Афғонистон Президенти Раббоний ўтган куни Туркманистонга келган. Унинг Президент Сапармурод Ниёзов билан учрашувда Афғонистон орқали газ қувурлари ётқизиш масаласини муҳокама этиши тахмин қилинмоқда. Чет эл шарҳловчиларининг фикрича, ушбу лойиҳа тақдирида нафақат манфаатдор Ғарб компаниялари, балки қўшни давлатларнинг сиёсий келишувлари муҳим рол ўйнайди.

Туркманистон ташқи ишлар вазирлиги информация департаментининг директори Сардор Турдиев газ қувурини Афғонистон ва Покистон орқали ўтказиш масаласи муҳокама этилиши мумкинлигини айтган. Президент Раббоний Қобул манфаатлари ҳисобга олинадиган бўлса, шундай музокарага тайёр эканлигини билдирган. Туркманистон томони шундай бўлишига уни ишонтирди.

Долзарб мавзу

ОЛАМ АЁЛЛАР НИГОҲИДА

Аёлларга даҳлдор муҳим муаммолар доимо ҳозирги замон жамиятининг диққат марказида бўлиб келган. XXIаср бўсағасида аёлларни ҳимоя қилишга қаратилган фаолият янада кенг қулоч ёзди ва жаҳон миқёсида қудратли кучга айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хотин-қизлар аҳволига бағишланган биринчи конференциясидан сўнг ўтган 20 йил мобайнида, аёллар билан эркаклар ўртасида тенг ҳуқуқларга эришиш компанияси доирасида жуда муҳим ўзгаришлар содир бўлди ва бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилди.

Жамият тараққиётига интеграция жараёнларининг чуқур кириб бориши тақозоси билан БМТ нинг аёллар манфаатини муҳофаза қилувчи UNDP дастури ташкил қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Аёллар ва тараққиёт» дастури фаолияти, хотин-қизларнинг ҳозирги замонда тутган роли ва ўрни тўғрисида журналист Фарҳод РАСУЛОВ UNDP (БМТ ривожланиш дастури)нинг аёллар масалалари бўйича миллий маслаҳатчиси Маҳбуба ЭРГАШЕВА билан суҳбатлашди. Қуйида ушбу суҳбат матнини муштарийлар эътиборига ҳавола этамиз.

— Айтингчи, сизнинг дастурингиз Ўзбекистонда қачондан бўён амал қилиб келмоқда? Унинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

— «Аёллар ва тараққиёт» — дастуримиз ана шундай аталади. У UNDP доирасида иш юритади, ўз фаолиятини Узбекистонда 1995 йил 1 майдан бошлаган.

Бу дастур олдига қуйидаги вазифалар қўйилган: Узбекистон хотин-қизлари фаолиятини муваффақлаштириш, аёлларнинг жуда катта имкониятларидан, уларнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги куч-ғайрати, ғоялари ҳамда кўникмаларидан иложи борича кенг фойдаланиш, ҳукумат таркибига кирмаган ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, ана шу ташкилотлар халқаро хотин-қизлар ташкилотлари билан алоқа боғлашида уларга ёрдам бериш, UNDP томонидан ишлаб чиқилган ва маълум мақсадларга йўналтирилган лойиҳаларни турмушга татбиқ этиш ва ҳакозолар.

«Сал кам бир йил ичида нималар қилинди?» деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Ўтган йил сентябр ойида Хитой пойтахти — Пекинда аёллар аҳволига бағишлаб туртинчи Жаҳон конференцияси ўтказилди. ХХР даги конференцияга, шунингдек ҳукумат таркибига кирмайдиган хотин-қизлар ташкилотларининг анжуманига аёлларимиздан 6 нафари юборилди. Қорақалпоғистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси Г. Аннақиличева ва «Олима» республика олима аёллари уюшмасининг раиси, профессор С. Рашидова Жаҳон конференцияси ишида бевосита иштирок этдилар.

Сунгра ЮНЕСКО билан биргаликда Халқаро семинар ўтказдик. Бу семинарда Марказий Осиенинг бешта республикасидан келган аёллар, шунингдек Халқаро ташкилотларнинг экспертлари қатнашдилар. Семинарда қабул қилинган концепцияни акс эттирувчи ҳужжатлар Пекин конференциясига юборилди. Биз ўтказган бошқа бир Халқаро семинар Марказий Осиё мамлакатларида ахборот тармоғини яратиш муаммосига бағишланди.

«...инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг қадр-қиммати ва аҳамиятига, эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенг ҳуқуқликка бўлган ишончни яна бир бор қарор тонтирмоқ лозим»

БМТ низомидан.

— Маълумки, 1946 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланган комиссиясини таъсис қилган эди, айни пайтда Хотин-қизларнинг аҳволи билан шуғулланувчи комиссияни ҳам тузган эди. Шундан сўнг 2 йил ўттач, 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари Умумий Декларацияси қабул қилинди. 1979 йили хотин-қизларнинг таҳқирланишига барҳам бериш ҳақида Декларация қабул этилди. Шу тариқа Миллатлар Ҳамдўстлиги масаласида юридик негизни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Бу ҳолат БМТ Уставида ҳам назарда тутилган. Хотин-қизларнинг аҳволига бағишлаб Мехикода бўлиб ўтган биринчи Жаҳон конференциясида «Тенглик, ривожланиш ва дунё» шиори ўртага ташланган эди. Сиз амалга ошираётган дастурнинг Ўзбекистонга татбиқан асосий йўналишлари ҳамда юқорида тилга олинган мақсадларда даҳлдор масалалар хусусида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хотин-қизларнинг манфаатлари йўлида сарфланаётган кучгайрат беҳуда бўлмаётир. Ҳозирги пайтда кўпгина мамлакатларда қонун олдидаги тенглик таъмин этилмоқда. Бироқ, баъзи давлатларда жинс бўйича камситиш муаммоси ҳамон сақланиб қолаянти. Аёллар билан эркаклар ўртасидаги тенг имкониятларни, айниқса таълим, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминланиш, сиёсий ҳокимият тизимидан ўрин эгаллаш соҳаларида тенг имкониятларни яратиш борасида реал қадамлар қўйиш зарурати ҳамон долзарб масала бўлиб турибди.

Бизнинг лойиҳаларимиз бўйича учта асосий йўналиш танлаб олинган. Биринчи йўналиш — хотин-қизларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини кучайтириш ва кенгайтиришдан иборат. Бу ўринда биз Адлия вазирлиги, Узбекистон хотин-қизлар қўмитаси, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берayapмиз. Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни қабул этиш лозим. Иккиламчи йўналиш — статистика маълумотларини йиғишни ташкил этишдир. Қаерда ва халқ хўжалигининг қайси тармоқларида аёллар кўпинча ёрдамга муҳтож. Хотин-қизлардан қанчаси маълумотга эга? Мамлакатнинг қайси музофотларда аёллар кўпроқ хасталикка чалинадилар, камқонлик дардига йўлиқадилар? Бу хил саволлар жуда кўп. Биз бу саволларга жавоб беруви ахборотлар зарурлигини сезиб турибмиз. Бундан кузатилган мақсад — ана шу масалалар бўйича аёлларимизга уз вақтида ёрдам қилини чўзишдан иборат. Бу борада биз Узбекистон Республикаси Давлат Истиқболни белгилаш ва статистика қўмитасининг мададига умид боғлаймиз.

Умуман олганда, бу хусусда илмий-таҳлилий марказ тузиш зарурати етилди деб ўйлайман. Чунки йўналиш — хотин-қизларнинг турмуш шароитини, фаровонлигини яхшилашдан, тадбиркорлик ишлари билан шуғулланувчи аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Хотин-қизлардан махсус тизим маҳсулотлари орқали тадбиркорлар ва бизнесменларни тайёрлаб етиштиришни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этиши турган гап. Аниқ лойиҳалар бўлган тақдирда биз тадбиркор аёллар ҳамда хотин-қизлар ишлайдиган кичик корхоналар, давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар учун хомийлар топиш масаласида ёрдам кўрсатишимиз мумкин.

— Сизлар Ўзбекистондаги қайси ташкилотлар ва идоралар билан қалин ҳамкорликда иш олиб бораяпсизлар? Бу борада ҳукуматимиз бераётган ёрдам тўғрисида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Биз шуғулланаётган дастур 30 йилдан буён амал қилиб келмоқда. У жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган жуда кўп мамлакатларига амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Узбекистонда биз ҳукумат таркибидан ташқарида иш юритадиган хотин-қизлар ташкилотлари томонидан ҳам, Узбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам дуруссгина мадад олиб турибмиз. Республика Президенти И. Каримов аёлларга даҳлдор муаммоларга жуда катта эътибор билан қарамоқда. Ҳукумат таркибида Бош вазир ўринбосари Д. Ғуломова фаол ишламоқда. Раҳбар лавозимларда, маҳаллий ҳокимият идораларидаги масъул вазифаларда ишлаётган аёллар сони кўпайиб бораётир. Республикамизда хотин-қизлар бошқараётган корхоналар ва фирмалар оз эмас. Булар ҳаммаси қувонарли бир ҳолдир.

Булардан ташқари, биз Узбекистон Хотин-Қизлар қўмитаси, тадбиркор аёллар уюшмаси «Олима» аёллар уюшмаси, заҳира бўйича аёллар маркази ва бошқа ташкилотлар билан ҳам яқиндан алоқа боғлаганмиз.

Яна бир муаммога тўхталиб ўтмоқчиман. Юқорида эслатиб ўтганимдек, «Аёллар ва тараққиёт» дастурининг асосий мақсади — аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун уларнинг тараққиётга чорлаш, ҳаётдаги мақомини кучайтиришдан иборат. Аммо, бу соҳада ахборот танқислиги сезилиб қолаянти. Боз устига узаро ахборот йўқ. Айтайлик, маълум бир музофотда ишлаётган тадбиркор аёл грант нималигини уни қандай қилиб олиш мумкинлигини билмайди. Тренинглар сонини кўпайтириш керак, ахборотларга кенг йўл очиш лозим.

Тошкент шаҳрида «Оврупо-Осиё» фонди, Хайрия ишлари корпуси, Америка юридик «Хаунтерперт-консорциуми», Конрад Аденауэр фонди ва бошқа жуда кўп халқаро ташкилотлар фаол иш юритмоқда. Мазкур фондлар ва ташкилотлар орқали грант олиш мумкин.

Жамоат ташкилотларини, жумладан хотин-қизлар ташкилотларини ислоҳ қилиш вақти келди деб ўйлайман. Масол учун Узбекистон Хотин-қизлар қўмитасини олайлик. Жуда яхши ташкилот, аммо уни ҳозир бутунлай ўзгартириш керак. Ҳар бир жамоат ташкилотининг устивор вазифалари, замонга мос аниқ мақсадлари бўлиши керак.

Республикамиздаги ажойиб аёллар жуда кўп. Уларнинг аксарияти маълумотли одамлар. Турли хил ташкилотлар, уюшмалар, бирлашмалар орқали хотин-қизларимизни ижтимоий ҳаёт бағрига тобора кенгроқ жалб қилишимиз даркор.

(Давоми 2-бетда).

МАРОҚЛИ КЕЧА

Тошкент қиз болалар лицейида байрам тантанаси бўлди.

Унда ўқувчилар оналарни мадҳ этувчи шеърларни ўқидилар, рақс ижро этдилар, «Ғунча» хор гуруҳи эса Ватан, юрт туйғулари, она меҳри, устоз саодатини мадҳ этди.

Узбекиситон ва Туркия ҳамкорлигида тузилган ўқув даргоҳи директори Малоҳат Орифжонова ва туркиялик мудир Серат Магилл, бош тарбиячи Шоҳида Бобохонова, она тили ва адабиет ўқитувчиси Озодахон Нигмонова, музика тўгараги раҳбари Гулчеҳра Йўлдошева, расм тўгараги раҳбари Фотима Икромова каби устоз ва мураббийлар ўқувчиларнинг маҳаллий қадриятларимизни сақлаган ҳолда, жаҳон андозалари талаблари асосида билим олишлари, иболи бўлишлари йўлида меҳнат қилмоқдалар. Кечага йиғилганлар дилларга сурур солган мароқли тадбирдан мамнун бўлдилар.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика Валюта биржасида бўлиб ўтган савдо ҳажми 18,35 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 36 сўм 60 тийин даражасида қайд этилди. Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш фаолиятида сотиш ва харид қилиш қийматини мустақил ҳолда ўзлари белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.

***

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида 5 февраль куни оддий акциялар савдоси бўлиб ўтди. Унда 9 та ҳиссадор жамоалар ўзларининг 11156 та акцияларини 13 миллион 157 минг сўмга сотдилар. Акцияларнинг номинал баҳоси 100 сўм бўлгани ҳолда 800-920 сўмдан пулланди. 6 февраль куни ҳам ҳудди шундай савдо амалга оширилди. Унда фаол қатнашган 11 та ҳиссадор жамоалар жами 2708 та оддий акцияларини 2.405,300 сўмга сотдилар. Бу жараёндан маълумки қимматбаҳо қоғозларга халқимиз орасида қизиқиш ва ишонч ортиб бормоқда.

***

Республика агросаноати биржасида бўлиб ўтган савдода мол ва хом ашёларнинг тури 521 хилдан ошиб кетди. Уларнинг қиймати 1 миллиард 813 миллион 674 минг сўмни ташкил этди. Савдода тузилган битимлар қиймати 3 миллион 400 минг сўм миқдорида қайд этилди. Бунда, оддий қалава иплар, аккумулятор қопламаси, резина ва техникавий маҳсулот турлари бўйича шартномалар тузилди. Экиш мавсумига керакли тракторлар ва уларга керакли эҳтиёт қисмлар ҳамда терак ва ҳурмо қаламчаларни таклиф этилиши кўпчиликда қизиқиш уйготди.

Касаба уюшма фаоллари

ИШОНЧ ҚОЗОНГАН МАЛИКА

Номзодлар кўп эди... Малика Назарованинг номи тилга олинганда ҳамма унинг ишга масъулият билан қараши, берилган топшириқларни бажармагунча тиниб-тинчимаслиги, жамоат ишларидаги фаоллиги, ҳамкасблари орасида катта обрў-эътибор қозонганлигини мамнуният билан таъкидлади.

Йиғилиш аҳли уни бир овоздан Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси бирлашган касаба уюшма ташкилотининг раиси этиб сайлашга қарор қилди. Бу Маликага билдирилган катта ишонч эди. Ишончни эса оқлаш керак. Ўша кундан бошлаб Маликанинг ороми бузилди, ўзига турли режалар тузди.

... Катта даргоҳ. Ижодкорлар, техник-хизматчилар учун қулайлик яратиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида осон иш эмас, албатта. Ҳар бир ходим дардига малҳам бўлиш, ижодкорнинг нозик қалбига йўл топа билиш каби ўй-фикрлар Маликанинг хаёлини чулғаб олган эди.

Халқимизда «Онанинг ишини олгунча, қўлидан боласини ол», деган мақол бор. Ушбу нақлга амал қилган Малика ишни телерадиокомпания ходимларининг фарзандларига ғамхўрлик қилишдан бошлади. Орамизда беғубор болаликнинг дунёси аро кезмаган, унинг тотли мевасидан баҳраманд бўлмаган одам топилмаса керак. Ёш авлод ҳамиша ҳимояга, меҳрга муҳтож. Улар тарбиясини яхшилаш, қалбларига маърифат, иймон ва эътиқод нурларини олиб кириш маънавият соҳасидаги муҳим вазифалардан эканлигини Малика чуқур ҳис этарди.

Янги ўқув йили арафасида ходимлар хузурига бирма-бир кириб, биринчи синфга борувчи болаларни рўйхатга олди. Уларнинг ҳар қайсисига таклифнома жўнатди, жажжилар учун кўнгилли байрам ташкил этди. Шу куни қўғирчоқ ва болалар театрларининг етук санъаткорлари ажойиб томошалар кўрсатишди.

Кеча охирида илк дафъа мактабга борувчи болалар турли совға-салом, ўқув қуроллари солинган портфеллар билан тақдирланишди. Ушбу тадбир кичкинтойларга бир олам қувонч бағишлаганлиги шубҳасиз.

Касаба уюшма ташкилотининг ёш авлод саломатлиги ҳақидаги доимий ғамхўрлиги барчани мамнун этмоқда. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ходимларининг юздан ортиқ фарзандлари яқинда Оқтошдаги «Ижодий уй»да саккиз кун бепул дам олиб, тоғ ҳавосида мириқдилар. Арча байрами, турли кўнгилочар ўйинлар ташкил этилди, болаларга совғалар улашилди. Бой китоб фондига эга бўлган кутубхона, спорт майдонлари, арғимчоғу, сирпанчиқлар болалар ихтиёрига бериб қўйилди. Жонкуяр шифокорлар, меҳрибон ошпазлар уларга парвона бўлишди. Ана шу каби хайрли тадбирларнинг барчасига Маликахон Назарова бош-қош, ташаббускор.

— Режаларимиз катта, — дейди у. — Жамоа аъзоларининг фарзандлари учун баҳорги таътил кунларида Наврўз байрамини ташкил қилмоқчимиз. Дошқозонларда сумалак ва халимлар тайёрланади. Болалар ўртасида варрак учириш, бошқа миллий халқ ўйинлари бўйича беллашувлар ўтказилади. Ижодий ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг дам олиши, саломатлигини ҳам эътибордан четда қолдираётганимиз йўқ. Аксинча, бу фаолиятимизнинг асосий мезонига айланган. «Ижодий уй»имизда меҳнат таътилларини кўнгилли ўтказиш, фахрийларни имтиёзли бепул йўлланмалар билан таъминлаш чораларини излаяпмиз. Нафақахўрларни турли байрам ва тантаналар муносабати билан йўқлаб туриш анъана тусига кирган. Ошхоналаримизда арзон ва сифатли таомлар тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидамиз. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси жамоамизда иш унумини яхшилашга, кўрсатув ва эшиттиришлар савиясини оширишга, Ўзбекистон радиоси ҳамда телевидениесини чинакам мустақиллик минбарига айлантиришга ёрдам беради.

Шундай бўлишига тилакдошмиз. Зеро интилганга толе ёр, дейдилар. Ўз меҳнати ва интилишлари билан ҳамкасбларининг мушкулини осон қилаётган М. Назарова бугун ҳам янги-янги ташвишлар билан яшаяпти.

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ.

ОЛАМ АЁЛЛАР НИГОҲИДА

(Боши 1-бетда)

— Ҳозирга қадар бизда қанча аёл грант олган ва қанча аёл тренинг машғулотидан ўтган?

— Таъкидлаб ўтай, тадбиркор аёлнинг ўзи ёрдам сўраб бизга мурожаат қилиши керак. Биз эса ўз навбатида унинг учун донор ташкилотни қидириб топишда кўмаклашамиз. Бунинг учун тадбиркор аёл аниқ лойиҳага эга бўлиши керак, шундагина у грант олишга умид боғлаши мумкин. Грант ташкилий жиҳатдан оёққа туриш (офис ва бошқаларга эга бўлиш мақсадида биноларни, хоналарни ижарага олиш) учун эмас, балки алоҳида мақсадли лойиҳаларни бажариш учун зарурдир.

Очиғини айтганда, « Аёллар ва тараққиёт бўлими» ёрдамида 20 га яқин аёллар тренинг таълимни олишди. Улар маълум бир мақсадга қаратилган лойиҳани бемалол тузишлари мумкин. 4 нафар аёл эса халқаро ташкилотлар грантига эга бўлди.

—Пекинда бўлиб ўтган тўртинчи Жаҳон конференцияси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Бу конференция кўп йиллар давомида олиб борилган машаққатли ишларнинг якуни бўлди десам, янглишмаган бўламан. Пекин конференцияси жаҳондаги жуда кўп муоаммаларни ҳал этишда эркаклар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам фаол иштироки зарурлигини намойиш қилди. Бу муаммолар жаҳонда тинчликни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳамма жойда барқарор ривожланишни таъминлаши, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, соғлиқни сақлаш, маориф, бошқарув, оила, фуқаролар жамияти ва бошқа бир қатор соҳаларга даҳлдор бўлиб, уларнинг ҳаммасида эркаклар билан аёллар баббаравар иштирок этишлари зарур. Бу — ҳаёт тақозасидир.

Конференцияда Пекин декларицияси ва ҳаракат дастури қабул қилинди.

Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, ҳали кўпгина мамлакатларда аёллар билан эркаклар ўртасида нотенглик ҳолатлари мавжуд. БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий йўллаган якунловчи мактубда бу ва бошқа нуқсонлар санаб ўтилди. Ҳатто ҳозир ҳам эркаклар билан аёллар бутунлай тенг ҳуқуқлар билан таъмин этилган биронта ҳам мамлакатни мисол қилиб келтириш мумкин эмас. Биз ҳали бунга эришганимизча йўқ. Бутрос Ғолий барча мамлакатларни Конвенцияга қўшилишга, аёлларнинг таҳқирланиши ҳамма жойда барҳам топишига, шунингдек болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ҳам қўллаб-қувватлашга д аъват этди.

Ўтган йил сентябрь ойининг икки ҳафтаси мобайнида бутун инсоният оламга аёллар нигоҳи билан қараганлиги бежиз эмас.

Келинглар, одамлар, оламга ҳар куни худди шундай нигоҳ билан қарайлик, куч-ғайратларимизни бир ерга жамлаб, биргаликда ва аҳиллик билан ҳаракат қилайлик, токи бунинг натижасида ажойиб аёлларимизнинг мардона эркаклар билан ҳамма соҳаларда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши реал воқеаликка айлансин!

Касаба уюшмаларида

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Касаба уюшмалари Жиззах вилояти кенгашининг раёсат йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши II-мажлисининг «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши касаба уюшмаси ташкилотлари касаба уюшмасининг янги нусхадаги ҳужжатларини жорий этиш тўғрисидаги» қарорини бажариш бўйича вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди. Туманларда ва хўжалик, корхона, муассаса, бошланғич касаба уюшма қўмиталарида касаба уюшмасини янги нусхадаги ҳужжатларини жорий этишга тайёргарлик кўришда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу тадбирни пухта ва самарали ўтказиш юзасидан вилоят кенгашининг тадбирлари маъқулланди.

Шунингдек, раёсат йиғилишида вилоят кенгаши бўйича 1995 йилги ижтимоий суғурта бюджетининг, касаба уюшмалари бюджетининг бажарилиши 1995 йилги статистик ҳисоботлар муҳокама этилди. Касаба уюшмалари кенгашининг 1996 йилги ижтимоий суғурта бюджети тасдиқланди.

А. ЭРГАШЕВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

Одамийлик сабоқлари

Оиланинг саодатли бўлишлиги эр-хотиннинг муросасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ислом маданиятида оилада эркак ва аёл учун ўзига хос вазифалар белгиланган бўлиб, эр оила бошлиғи ҳисобланади. «Никоҳ» хутбасининг маъносида эса эрларнинг хотинлари устидаги ҳақлари, айни пайтда аёлларнинг эрлари устидаги ҳақларини тушунтиришдан иборат.

Эрларнинг хотинлари устидаги масаласида Расулуллоҳдан шундай ҳадис келтирилади: «Агар инсоннинг инсонга сажда қилишлиги мумкин бўлганда эди, аёллар эрларига сажда қилсинлар деб айтар эдим. Аммо Аллоҳдан бошқага сажда қилиш мумкин эмас. Демак, Аллоҳнинг буйруғидан кейин бевосита эрларининг ризоликларини ахтармоқликлари ҳар бир мусулмонман деган аёлларга лозимдир. Эрлари кўчадан келсалар хотинлари ўринларидан туриб, келдингизми, деб таъзим қилиб турсинлар. Ҳар бир аёлки ҳаромдан сақлансинлар, Аллоҳнинг буйруғини бажарсалар эрларини хушнуд қилиб ризо қилсалар, жаннатнинг хоҳлаган эшигидан кирадилар».

Ислом шариатига биноан аёллар эрлари ёмон кўрган кишиларни хонадонларига киритмайдилар, беизн бирор нарсани бировга бермайдилар, бирор жойга бормайдилар. Аммо ота-оналариникига, бетоблик ва мусибат етган вақтларда берухсат боришликка ҳақлари бордир.

Рўзғорлари бут бўла туриб, эр киши ўз зиммасидаги хотини ҳаққини адо этиб турган бўлса, бунинг устига фарзандлар бўлса, дунёнинг ношаръий ҳаваслари учун эридан ажралишликни талаб қилган хотинларга жаннат ҳиди ҳаром қилинган. Серхархаша хотинларни ҳам авайлаб йўлга солиб бориш эркаклар зиммасига юклатилган. Расулуллоҳдан ҳадис бор: «Аллоҳ аёлларни Одам Атонинг чап юқори қовурғасидан яратган. Буни тўғрилайман деб синдириб қўясизлар». Синдиришнинг ҳикмати шуки, эркак хотинини фақат ўзимнинг раъйимга соламан, бўйсундираман, деб уринса, аёл эса ўз билганидан қолмаса, эрнинг хатти-ҳаракатларини инкор этаверса, оқибатда ажралишга бориб етишликдир.

ДУНЁ ГЎЗАЛЛИГИ...

Аёлларнинг эркаклар устида ҳақлари ҳам кўп. Расулуллоҳдан ҳадис келтириладики, «Сизларнинг яхшиларингиз — ўз хонадонига, аҳлу-аёлига осонлик солувчиларингиздир». Ислом шариатида аёлларнинг аёллик нафслари учун меҳр қўйилади. Шу боис ҳар бир аёл учун махсус хона ажратилади, кийим-кечак қилиб берилади. Шу тариқа аёллар эрларини ҳаромдан сақлаб ўтирадилар. Аёллар эрлариникида қилган хизматлари учун қиёматда эрлари тўплаган савобдан баҳраманд бўладилар, савоблари етмаса аёлларнинг гуноҳлари олиниб эрларига берилади. Эркак киши ўз аёлига раҳм ва шафқат билан яшамоғи лозим. Эркак биологик тузилиши, ўзининг руҳий ҳолатлари ва бошқа жиҳатларига кўра оилани бошқариш, едириб-ичириш, кийинтириш, ҳовли-жой билан таъминлаш ишларини бажаради. Оиладаги сарамжон-саришталик, болалар тарбияси ва бошқа рўзғор ишлари аёллар зиммасидадир. Булар Қуръони карим оятлари ва Ҳадис шарифларида ҳамда тавсиф ва тушунтиришларида баён этилган.

Ҳадиси шарифда ривоят қилинадики: «Бир киши Муҳаммад алайҳиссаломдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизнинг хотинларимизнинг ҳаққи бизда қандоқ бўлади!», деб сўраганида жаноб Пайғамбаримиз: «Агар ўзинг овқат есанг хотинингни ҳам овқатлантирасан, уни урмайсан, сўкмайсан ва ҳижрон қилмайсан», — деган эканлар.

Ислом таълимотига биноан, эркакда аёлнинг ҳаққи кўп: аёл кишининг барча ҳаракатлари эр зиммасидадир. Айни маҳалда аёл ҳам эркакни ҳурмат қилиши, ҳар доим маслаҳат билан иш тутиши, хиёнат қилмаслиги, вафо, садоқат кўрсатиши, эр айтганларига шариат юзасидан итоат этиши шарт. Ислом аҳлоқи эр-хотиннинг сабр-бардоши, ўзаро ҳурмат-иззатли, кечиримли бўлиб ҳаёт кечиришларига ундайди.

Эркакдан ўз аёлининг баъзи нуқсон, камчиликларини кечириши, унга сабр қилиши, хушмуомалада бўлиши, сиҳат-саломатлиги устида ғамхўрлик қилиши, барча эҳтиёжларини қондириб бориши талаб этилади. Айни маҳалда аёл ҳам эрнинг руҳий ҳолатига, қошқовоғига қараб иш тутиши муҳимдир. Сабр-бардош орқасидан кўп яхшиликлар келади. Муҳаммад алайҳиссалом Ҳадиси шарифларида шундай деганлар: «Ўз оиласига меҳрибон, фарзандлар тарбияси учун қайғурадиган одам Аллоҳ таолонинг наздида энг маҳбуб ва мақбул инсондир».

Муҳаббат эр билан хотинни бир-бирига боғловчи кучдир. Агар уйланиш бир кўприкка ўхшатилса, муҳаббатни кўприкни маҳкам этувчи михларга қиёслаш жоиздир.

Энг ёқимли ва зарур бўлган муҳаббат эр ва хотин орасидаги муҳаббатдир. Зеро, бир-бирига муҳаббатлари бўлган эр билан хотин дунёнинг роҳатларида эмас, ҳатто меҳнатларида ҳам умрларини саодатли кечирадилар. Муҳаббат поку соф бўлмоқ шарти билан эру хотинни бир-бирига яқин келтиради ва хулқларини тузатиб, ақлларини тарбия этади. Бир-бирига муҳаббатли бўлган эр билан хотин оиласини ҳатто қўшниларни ҳам норизо қилмайди. Агарда бу икки юрак ўзлари бир-бирига интиладиган бўлса, авваллари йўқ муҳаббат ҳам вужудга келади, аввалдан бори эса мустаҳкам бўлади. Шунинг учун бир-бирига интилмаган ҳолда «орамизда муҳаббат йўқ» деб шикоят этувчи эр билан хотин ҳақли бўлмайдилар. Бундай ҳол юз берганида ҳар икки тараф асл сабабини билиб, оилани тиклашга интилишлари лозим бўлади.

Аҳлоқ олимлари насиҳат қиладиларки, эр хотинининг муҳаббатини орзу этса, унинг хулқини тарбия этсин. Чунки мевали дарахтлар тарбияга муҳтож бўлганлари каби хотинлар ҳам тарбияга муҳтождирлар. Хотин ҳам мевали дарахтдир. Ёмон мева берганида дарахтни эмас, балки унинг соҳибига танбеҳ берганлари каби, хотин ҳам ёмон бола тарбияласа эрига танбеҳ берадилар. Эр хотиннинг табиатини тўғри англаши керак. Хотинларнинг жаҳли тезроқ чиқади, юраклари ҳам торроқ бўлади, кўп ўйинларни чин деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун уларга қайишиброқ муомала қилишга, кези келганда камчиликлардан кўз юмишга, хотинга нисбатан даъвосиз бўлишига, аччиқ сўз ишлатмасликка, қаттиқ табиатли, вазмин ва жиддий бўлишга ҳаракат қилиши, бор-йўқ нарсаларни суриштиравермаслиги, хархаша қилавермаслиги керак. Чунки бу нарсалар эрнинг хотин олдида ҳурматини йўқотади, орага совуқлик солади. Хотинларнинг кўнгилларини жалб этувчи нарса улуғворлик билан шафқатдир. Эр ичкилик ичмаса, қимор ўйнамаса, ялқов ва чорасиз бўлмаса, йўқ нарсаларни бор қилиб турса, хуш муомалада бўлса, муҳаббат ришталари маҳкамроқ боғланади, оила мустаҳкам бўлади.

Ҳозирги кунда аёлларимизнинг аҳволлари бир мунча ачинарли ҳолдадир. Яъни улар эркаклар билан бир сафда бўлиб, ҳам рўзғорнинг, ҳам кўчанинг хизматларини қилмоқдалар. Энг улуғ вазифанинг эгалари оналар оғир-оғир ишларнинг бажарувчиси бўлиб қолганлар. Бу ишларимиз билан исломий ҳуқуқларни, аёлларга берилган Ислом одобларини ҳам четга суриб қўймаяпмизми? Яна кўча-кўйларда ўз майли хоҳишларига эрк бериб, эркаклардек бўлиб кийинадиган, ҳар қандай беҳаёликдан ҳам қайтмайдиган аёлларнинг кўпайиб кетганлиги бутунлай Исломга зид бўлган ҳолатлардир. Ахир шундай экан, келажак авлодларнинг тарбиячиси бўлган аёлларимизнинг, оналаримизнинг исломий одоблар замирида яна ҳам мафтункор ва файзли бўлиб, оламга гўзал, олам мунаввардир.

Ғуломхон ҒОФУРОВ, ТошДУ доценти.

БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИДАГИ АЁЛЛАР

Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан биргаликда Ҳиндистонга борган ўзбек аёллари, уларнинг авлодлари бу мамлакатда истиқомат қилиб қолганлар. Ўзбек ва ҳинд аёллари тотув, баҳамжиҳат бўлиб яшаганлар. Улар орасидан оқила маслаҳатчилар, етук доншмандлар, шоиралар етишиб чиққанлар. Шарқ аёлларига хос назокат, иффат, орият, мулойимлик каби фазилатлар уларнинг хулқ атворида мужассам бўлган. Бобурийлар хонадонидаги аёллар айни вақтда жамият ишига, мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига салмоқли ҳисса қўшганлар.

ХОНЗОДА БЕГИМ

Бобурнинг опаси Хонзода бегим 1477 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топган.

Хонзода бегим дид-фаросатли, ўткир зеҳнли ва ақл-заковат соҳибаси эди. Унинг тақдири укаси Мирзо Бобур тақдирига туташ. Заҳириддин Бобур 1501 йили Самарқандни эгаллайди. Аммо кўп ўтмай Шайбонийхон Самарқандни қамал қилади. Шаҳарда очарчилик авжига чиқади. Ана шундай оғир аҳволда Шайбонийхон Бобурга сулҳ таклиф этади.

Хонзода бегим Шайбонийхон никоҳига кириб, ундан Ҳуррамбек номли ўғил кўради. Шайбонийхон ўлимидан кейин Хонзодабегим Заҳириддин Бобур саройига - Қобулга қайтади.

Хонзода бегим ўзининг ақл-идроки ва тадбиркорлиги билан сарой маликалари орасида юксак эътиборга эга бўлиб, Бобурнинг ўғли Ҳумоюн шоҳ саройида маслаҳатчи вазифасини бажариб келган.

1544 йили Хонзода бегим Қобулхақ деган жойда ҳаётдан кўз юмади. У Қобулдаги Бобуршоҳ мақбарасига дафн этилган.

ГУЛБАДАН БЕГИМ

Заҳириддин Бобурнинг қизи Гулбадан бегим, 1523 йилда Қобулда таваллуд топган. У Моҳим бегим (Бобурнинг катта хотини, Ҳумоюннинг онаси)нинг қўлида тарбия топган. Моҳим бегим Бобурнинг севикли хотини, оқила ва билимдон бўлиб, ички ва ташқи сиёсат борасида Бобурга ўринли маслаҳатлар бериб турган.

Бобур Ҳиндистонни ўз тасаррўфига олгач, Гулбадан бегим Аграда, 1556 йилда Ҳумоюн вафотидан кейин Деҳлида Акбаршоҳ саройида яшай бошлайди.

Гулбадан бегим «Ҳумоюннома» номли ажойиб тарихий асар яратади, бу асар мантиқан «Бобурнома»нинг давоми ҳисобланади. Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва қисман Афғонистон тарихининг муайян даврини яратган ягона аёлдир. Гулбадан бегимнинг бу соҳадаги фаолиятига европалик тарихшунослар ҳам тан беришган. Ўз асарида Гулбадан бегим сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, Бобурийлар хонадонидаги айрим хусусиятлар ва удумларни муфассал баён этади.

1575 йилда Гулбадан бегим Каъба зиёратига Маккага боради. Кўп азиятлар чекиб, 1582 йилда ҳаждан қайтади. У 1603 йилда 80 ёшида вафот этади.

НУРЖАҲОН БЕГИМ

Нуржаҳон бегимнинг асли исми Меҳриниссо асли эронлик бўлиб, Ҳиндистонга кўчиб келишгач Акбар шоҳ саройида хизматда бўлган. Жаҳонгиршоҳ Меҳринисога ошиқ бўлиб, уйланган.

Меҳринисо гўзаллиги, фаросатли ва тадбиркорлиги туфайли саройда катта эътиборга сазовор бўлади, кўпчиликни ўзига ром этганлигидан Нуржаҳон (Жаҳоннинг нури) деб атай бошлайдилар. Нуржаҳон бегим Жаҳонгиршоҳ салтанатида доно маслаҳатчи бўлган. Жаҳонгиршоҳ банд ёки бетоб пайтларида Нуржаҳон бегим салтанат ишларини бевосита ўзи бошқаради. Унинг шарафига «Нури Жаҳоний» деб аталган олтин танга зарб этилади.

МУМТОЗ МАҲАЛ БЕГИМ

Мумтоз Маҳал бегимнинг асл номи Аржумандбону бўлиб, у 1594 йилда Эроннинг Машҳад шаҳрида туғилган. Жаҳонгиршоҳ хотини Нуржаҳоннинг жияни (акаси Осафхоннинг қизи) — Аржумандбону (1613 йилда туғилган) 21 ёшли Ҳуррам (Шоҳ Жаҳон)га турмушга чиқади.

Аржумандбону ўз ҳусни, иффати, ақл-идроки ва тадбиркорлиги билан саройда катта эътибор қозонади. Аржумандбону хусусан қайнотаси Жаҳонгиршоҳнинг ҳурматига сазовор бўлгани учун кўп ўтмай Мумтоз Маҳал (Саройнинг кўрки) деган ном билан аталади.

1628 йилда Шоҳ Жаҳон тахтга ўтиргач, Мумтоз Маҳал бегим салтанат ишларида унга ёрдамлашиб, ўринли маслаҳатлари билан ҳукмдорнинг давлат ишларини бошқаришига кўмаклаша бошлайди. Оқила ва эрига вафодор Мумтоз Маҳал бегим бош маслаҳатчи ва давлат муҳрдори лавозимларини эгаллайди.

Мумтоз Маҳал бегим ҳамиша яхши кунда ҳам, саёҳат ва ҳарбий юришларда ҳам эрига ҳамроҳ ва ҳамдард бўлган. У сафарлардан бирида Бурҳонпур шаҳрида, ўн тўртинчи фарзанди таваллуд топишида, 38 ёшида (1631 йилда) ҳаётдан кўз юмади. Мумтоз Маҳал бегимдан 8 фарзанд қолади.

Мумтоз Маҳал бегим ҳаётдан кўз юмар экан, Шоҳ Жаҳонга вафотидан кейин уйланмаслигини, фарзандларига меҳрибон бўлишини, унга атаб жаҳонда тенги йўқ ҳашаматли мақбара бунёд этишни васият қилади, эри Шоҳ Жаҳоннинг аҳволидан хабардор бўлиб, унга ғамхўрлик қилиб туришни эса катта қизи - Жаҳоноро бегим зиммасига юклайди.

Вафодор Мумтоз Маҳал бегимнинг васиятлари тўла амалга оширилди. Хотинидан кейин 36 йил яшасада Шоҳ Жаҳон уйланмай ўтади. Унга атаб Тож Маҳал мақбарасини бунёд эттиради.

ЖАҲОНОРО БЕГИМ

Жаҳоноро бегим Бобурийлар хонадонидаги машҳур, айни вақтда бокира маликалардан бўлиб, ночор яшовчиларга хайриҳоҳлик қилган. Онасининг васияти - отасига ғамхўрлик қилишни унутмаган. У форс, араб ва ҳинд тилларини яхши билган.

Онаси Мумтоз Маҳал ҳаётдан кўз юмгандан кейин шоҳ оиласини бошқариш 17 яшар Жаҳоноро зиммасига тушади. Отасига хизмат қила бошлагач, Шоҳ Жаҳоннинг қизига бўлган меҳри янада ортади, у Мумтоз Маҳалнинг барча бойликлари ва мулкларини Жаҳонорога топширади. Жаҳоноро ака-укалари отаси билан укаси Аврангзебни бир-бирларига келиштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келган.

Унинг меъморчилик ва ободончиликка бўлган қизиқиши бобокалони Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан унга мерос бўлиб ўтган эди. Жаҳоноро Агра шаҳаридаги жомеъ масжидининг тарҳини тузади. Деҳли, Сурат, Амбала, Баҳол ва Панипат шаҳарларида карвон саройлар, Лоҳурда эса катта боғ барпо этади, камбағаллар учун уй-жойлар қуриб беради. Кашмирда «Пари маҳал» («Парилар саройи») номли ажойиб боғи-эрам бунёд этади. Шаҳхонободда эса Алий Мардонхон ариғини қаздириб, нақшинкор ҳовуз қурдиради. Жаҳоноронинг «Рисолаи Соҳибия» номли китоб ёзгани ҳам маълум.

1658 йилда Аврангзеб акаси Доро Шукуҳни мағлубиятга учратди, укаси Мурод бахшни зиндонга ташлайди, бемор отаси Шоҳ Жаҳонни ҳибсга олиб, ўзини шоҳ деб эълон қилади. Аврангзеб ака-укаларини қатл этдиради. Ака-укаларининг фожиали ўлими Жаҳонорони изтиробга солади, оғир мусибат кечиради. Дилхаста малика дунё ишларини тарк этиб, ҳибсдаги отаси Шоҳ Жаҳонга хизмат қилиш ва шу билан онаси Мумтоз Маҳалнинг васиятини бажариб ўзига таскин беради.

Шоҳ Жаҳон ҳибсга олингач, умрининг охиригача, Агра шаҳридаги «Қизил қалъа»да, Мумтоз Маҳалга атаб қурдирган саккиз қиррали мармар шийпон «Мусаммом бурж»да яшаган. У ҳукмронлик қилган қудратли давлатдан, бойликлари-ю, ерсувдан фақат саккиз қиррали шийпон - «Мусаммал бурж» қолган. Унинг изимидаги сарой аҳллари, тарбиялаган фарзандлари ва қўл остидаги фуқароларидан фақат биргина қизи-Жаҳоноро бегим унга оқибат қилган. Жаҳоноро бегим 1658 йилдан 1666 йилгача бемор ва дилхаста отаси Шоҳ Жаҳон хизматида бўлади. Шоҳ Жаҳон ғариблиқда, Тож Маҳал мақбарасидан кўз узмай, оқибатли бокира қизи Жаҳоноро қўлида ҳаётдан кўз юмади.

Жаҳоноро бегим 1681 йилда, олтмиш етти ёшида вафот этади, марҳумани эса Бобурийлар сулоласидаги «Соҳиби замон» деб атайдилар. Унинг жасади Деҳлидаги «Зарзари» қабристонига дафн этилади. Васиятга биноан қабр тошига «Менинг қабримни яшил майсалар қопласин, ғариб учун яхшиликнинг ўзи кифоя» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

ЗЕБУННИСО БЕГИМ

Зебуннисо бегим - Мумтоз Маҳалнинг набираси, Жаҳоноро бегимнинг жияни, Аврангзебнинг қизидир. Ҳиндистондаги ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан дастлабки шоира Зебуннисо бегим 1639 йилда Деҳли шаҳрида таваллуд топган. У кучли шеърий истеъдод эгаси бўлган лирик шоира, ҳуснда тенгсиз, маърифатпарвар эди.

Мамлакатдаги нотинч ҳаёт, салтанат учун курашнинг авж олиши Зебуннисо бегим дунёқарашини ўзгартирган . Унинг қалбини ғам-алам эгаллаган. Аврангзеб қизига Деҳлидаги Салимгарҳи қўрғонидан чиқишни чеклаб қўяди.

Зебуннисо Жаҳоноро бегим каби, ҳаётининг охиригача ёлғиз- бокира ўтади. Унга уйланиш учун жуда кўп кишилар оғиз солган, уларнинг аксарияти шаҳзода, бойвачча ва шоирлар бўлган. Ўз замонасининг кўзга кўринган шоирларидан бири Зебуннисо бегимни севиб, унга: «Эй гул баданли қиз, сени пардасиз- очиқ кўриш, ҳусн ва латофатингга етишиш орзусидаман», деб юборади. Зебуннисо бегим эса унга: «Булбул чаманда мени кўрганда, гулнинг баҳридан кечарди, бутпараст мени кўрганда, бутга сажда қилмасди, гулнинг ҳиди ўз гулбаргига яширингандек, мен сўзда яширинганман, кимнинг мени кўрмоққа майли бўлса, мени сўздашеърда кўрсин» деб жавоб қайтарган.

Ўз даврининг анъанасига кўра, Зебуннисо бегим форс ва араб тилларини қунт билан ўрганган, шу тилларда шеърлар битган. «Маҳфий» таҳаллуси билан ижод қилган Зебуннисо бегимнинг «Девони Маҳфий» деб аталган китоби Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон ва Туркияда шуҳрат қозонган.

Зебуннисо бегим тож-тахтдан узоқда бўлишни маъқул кўриб, ҳашамсиз, дабдабасиз, оддий ҳаёт кечирган. Бу ҳақда: «Мен шоҳнинг қизи бўлсада, юзимни фақир камбағалларга ўгирдим», деган.

Зебуннисо бегим 1702 йилда ҳаётдан кўз юмган, у деҳлидаги «Зарзари» қабристонига дафн этилган.

Мирортуқ
МИРАБДУЛЛОҲ ўғли.

КЎНГЛИМИЗДА ОЧИЛГАН ГУЛЛАР

Санъат Маҳмудованинг номи кўпчиликка таниш. Қарийб ўттиз тўрт йиллирки ҳаётнинг аччиқ-чучугини, қувончу ташвишларини наздига солиб келаётган қалам соҳиби шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, юзлаб опасингилларимиз ҳаётини, турмуш тарзини ўрганди, ҳаяжонли очерк ва лавҳалар ёзди. Унинг «Меҳр кимга аталган», «Қўша қаринг», «Қутлуғ остона»,«Хазина топган аёл», «Баҳри опамиз»,«Бахтли қизлар»,«Чиллаки тоға»,«Бизнинг эътиқод»,«Виждон тарозиси» каби қатор тўпламлари нашр этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси, тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказган, меҳрибон она, бир кучоқ набираларнинг суюкли бувиси.

«Қишлоқ аёллари-менинг дардим», дейди Санъат Маҳмудова. Эҳтимол муштипар аёлнинг қалбидаги армони, дилидаги шукроналиги, бағридаги кенглиги унинг қўлига қалам тутқазар...

Севикли санъаткор Сора Эшонтўраеванинг ёрқин ижоди Санъат Маҳмудованинг «Бир юракнинг юз жасорати» номли ҳужжатли қиссасида ҳароратли баён этилди.

— Эҳ-ҳе, жуда ёш кўринасиз, — дейман синфдошим Абдулла акани шаҳарда учратиб, — бундан йигирма йил олдин қандай бўлсангиз, ҳамон шундайсиз-а?!

- Рихсихон яхши-да, - дейди у чинакам бахтиёр бир қиёфада рафиқасини мақтаб. — Рихсихон ақлли, меҳрибон. У ҳам ёш кўринади!

— Қарс икки қўлдан чиқади, Абдулла ака. Эсимда, сиз .. мактабда ўқиб юрганимизда ҳам қизларга меҳрибон эдингиз. Қизларни, аёл ўқитувчиларни алоҳида ҳурмат қилардингиз, Пахтага чиққанимизда пахтамизни тарозига олиб борган сиз эдингиз. Сиз бор жойда бизнинг оғир юк кўтаришимизга, оғир юмуш бажаришимизга, биров бизни хафа қилишига сира йўл қўймасдингиз. Ишонаман, ўзингиз билан баробар ана шу фазилатларингиз ҳам улғайиб, оилангизни яшнатган. Рихсихон сизнинг меҳрингиздан ёшариб юрипти. Сиз эса унинг!

— Тўғри, тўғри. — дейди Абдулла ака хандон кулиб. Ён-веримиздан ўтиб бораётган аёлларга илтифот билан йўл беради. Метродан чиқиб бораётганимизда қаламини хиёл илдамлатиб бориб, эшикни очиб, қулайлик яратади. Шу кичкинагина эътибор ҳам аёлнинг кўнглини тоғдек кўтаради.

Аёлга меҳр керак, илтифот, ёрдам керак. Озгина эътибор керак.

Байрам кунларидагина эмас, ҳар куни, ҳар соатда, йўлда, уйда, ишхонда, шифохонада! Шунинг учун ҳам биз ўғилларимизни ҳали бешикдалигидаёқ, боғчадалигидаёқ оналарга, қиз болаларга ҳурмат, эъзоз руҳида тарбия қилсак —гўзалликка ҳисса қўшган бўламиз. Нафақат ҳурмат, қиз болага, оналарга иззат, илтифот, ёрдам кўрсата билиш, уларни тушуниш, эъзозлаш, меҳнатини ҳис қилиб, тўғри баҳолаш фазилатларини сингдиролсак ҳарна бурчимизни адо этган бўламиз.

Биз байрамларни йил бўйи ҳис этиб, йил бўйи замин яратиб, йил бўйи кўнглимизда гуллар ўстириб яшасак — ҳаётимиз йил бўйи мазмунли, йил бўйи фароғатли бўлардй, иншоолоҳ.

Кўнглимизда етилиб, кўнглимизда очилган гуллар гул бозорларидан сотиб олган гуллардан гўзалроқ, зарурроқ, азизроқ. Кўнглимизда гуллар бўлса— биз табиий гулларни ҳам, табиий меҳру эъзозни ҳам унутиб қўймаслик. Кўнгилда гуллар ўстириш ҳаммамизнинг ҳам қўлимиздан келармикан?

Мансабга эришганда ҳам, айрилиқда ҳам, бошга мусибат тушганда-ю шодон кунларда ҳам киши инсофни, меҳрни, меъёрни унутмаса — у яшаб кетади. Байрам кунларига етади.

Тошкент яқинидаги Қибрай қишлоғида Хайри момо деган аёл 90 йил умр кўрди. У ҳаммамиздек саводхон, ҳаммамиздек идораларда жавлон уриб ишлаган аёллардан бўлмаса-да, бор-йўғи уй бекалиги вазифасини ўтаган эса-да, қалби улуғ эди, раҳматликнинг, бардоши метин эди. Инсофи бор эди. Қалбида очилган гуллари кўзларида кўриниб турарди. Умрида ақалли кичкина болага овозини кўтармаган, озор бермаган, юмшоқ муомаласи, кулиб қарашлари ҳам юмшоқ бу аёл якка ёлғиз ўғлини - кўзининг оқу қораси Усмон Икромовни урушга — Ватан ҳимоясига кузатиб бир умр кутиб яшади. Сўнгги нафасида ҳам ўғлини келади, деб умид қилди.

Йигирма ёшида бева қолган келини — Мавжуданинг, даласини кўриб улгурмаган ёлғиз набираси Рихсининг бахтини, соғлиғини худойимдан, табиатнинг энг нозик, тоза жойларидан сўраб яшади.

У ўғлини қирқ беш кун эмас, қирқ беш йил кутди. Бировни қарғамади, дод-фарёд қилмади. Сабр-бардош билан кутди, интиқ бўлиб кутди. Уйда ҳеч ким йўқ пайтлар йиғлаб-йиғлаб кутди. Кўз ёшини бировга кўрсатмади.

Мавжуда Икромова бригадир, табелчи, кейин кутубхоначи бўлиб, бир умр меҳнат қилди. Хайри момо эса уйининг чироғини ёқиб, келини билан набирасининг оғзига ёқадиган таом ҳозирлаб, сигир соғиб, нон ёпиб, бир умр келинига бир оғиз, ҳа, ақалли бир оғиз қаттиқ гап айтмай яшади. Ёлғизликдан, меҳнатдан эзилган Мавжуда опа гоҳ тўлиб кетган чоғларида шу Хайри момо ипакдек сўзи, ипакдек меҳри, ипакдек қарашлари, сабр-бардоши билан келинининг яраланган, лахча чўғ бўлган юрагига малҳам бўлди.

«Мавжуда ёш умрингни хазон қилма, эрга тег», дегувчилар кўп эди. «Йўқ, Усмон тирик, Усмон келади. Қолаверса, қайнонамнинг юзидан ўтолмайман» деди у. «Қайнонанг рози!». Йўқ, минг марта рози бўлсалар ҳам мен уларни ёлғиз қолдиролмайман. Ҳам ўғлиман, ҳам қизиман, ҳам келини!» деб жавоб берди.

Қайнона-келин «қўша қаришди». Хайри момо тўқсон йил яшади. Ўзидаги фазилатларни набираси Рихсига мерос қолдирди. Бувисининг тарбиясини олган Рихси, «Яхши қиз маҳалладан ортмайди», деганларидек, қўшниси Бувсара холага келин бўлди. Юқорида айтганим Абдулла ака билан мана 35 йилдирки, аҳил-иноқ яшашяпти. Хайри момо Рихсининг бешта боласини катта қилди. От босмаганини тойлар босганини кўрди. Сўнгги дақиқаларгача кўзидан, сўзидан меҳр тошиб, нур тошиб яшади.

Келин қайнонанинг маросимларини маромида ўтказиб, қабрига гуллар экди.

Мавжуда Икромова пенсияда, қизи Рихси Усмонова Қибрай туман поликлиникасида қўли гул ҳамшира.

— Отам дом-дараксиз кетганлар, ақалли қабри қаердалигини билсам, излаб борардим, изларини кўзимга суртардим, — дейди Рихси.

Сен дадангни, бувинг қолдирган одамийлик меросини эъзозласанг, шунинг ўзи ўтганлар руҳини шод қилади, Рихсихон.

Аёл бор бўлса - гуллар очилади. Қушлар сайрайди, Аёл бор хонадонга байрам кириб келади. Мавжуда опани қизи, набира ва эвaралари табриклагани келишади. Энг аввало Абдулла ака уларни муборакбод этади.

Байрамларингиз муборак бўлсин, бардошли аёллар, меҳнаткаш опа-сингиллар!

Суратда: Сора Эшонтўраева ва Санъат Маҳмудова.

Сизга қандай хизмат кўрсатмоқдалар

ТОШУ—ТАРОЗУДАН УРИБ...

Янгийўл шаҳар деҳқон бозорига кириб-чиқаётганларнинг охири кўринмайди. Ичкари томон яна ҳам гавжум. Бир томонда Ш. Раҳмонов, иккинчи томонда Ф. Тошпўлатова, унинг ёнида С. Мирвалиева чаққон ҳаракат қилиб қоплардаги картошкаларни «майдалаб» пуллашаяпти. Харидорлар тирбанд. Чунки оламлар қишлик учун кузда олиб қўйган картошканинг ҳам, сабзи-пиёзнинг ҳам таги кўриниб қолган. Бугунги — эл рўзғори бозор билан...

Картошкафурушлар оғизларига сиғган нархни айтишаяпти. Харидорлар эсаноилож, айтилган нархда харид қилишга мажбур бўлишаяпти. Қани энди шунда ҳам тошу-тарозудан уриб қолишмаса. Кўзларини лўқ қилиб уриб қолишаяпти-ла. Солиқчилар диққат билан кузатиб туриб буни дарров сезишди. Сўнг уч-тўрт киши харид қилган картошкаларни қайта тортиб кўрганида Ш. Раҳмонов харидордан 24 сум, Ф. Тошпўлатова 20 сум, С. Мирвалиева 8 сум уриб қолганлиги маълум бўлди. Шундан сўнг картошкафурушларга нисбатан Ўзбекситон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165-моддасига асосан жарима солиниб, давлат бюджетига 2900 сўм ундириб олинди.

Шу воқеа сабаб бўлиб Тошкент вилоятидаги барча деҳқон бозорлари бўйлаб текширув ўтказишга қарор қилинди. Нафси ҳайкалак оттан картошкафурушлар шаҳар бозорларига уя қуриб олишган экан. Ангрен шаҳар деҳқон бозорида сотувчи Н. Ашурова ясама тошлар қўйиб тортиб берган 15 килограмм картошка қайта тортиб кўрилганда 12,5 килограмм чиқди. Шу куни картошканинг ҳар бир килограмми 20 сўмдан сотилаётган эди. Инсофсиз сотувчи ясама тошни айлантириб бир тортишда 2,5 килограмм картошкани уриб қолганига солиқчилар ҳам ёқа ушлаб қолишди.

Сотувчи Ш. Мадумарова ҳам ясама тошлардан «самарали» фойдаланиб аллақачон бойиш йўлига тушиб олган экан. Ўша куни бир қария ундан ўн килограмм картошка харид қилди. Қайта тортиб кўришганида 7,5 килограмм чиқди. Туймагур Ш. Мадумарова пенсионер отахоннинг 47,5 сўмига хиёнат қилибди-я.

Ўзи туйса ҳам кўзи туймайдиган бундай нопок сотувчилар қўлидаги ясама мосламалар дарҳол мусодара қилинди. Уларига нисбатан эса шаҳар давлат солиқ инспекциясида жиноий иш қўзғатилиб, материаллар қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига топширилди. Солиқчилар вилоят бўйича ўтказган текширишлар давомида 14 жойда тош-тарозилар давлат стандарти кўригидан ўтмаганлиги ва 5 жойда давлат стандарти кўригидан ўтган тошлар ўрнига ясама мосламалардан фойдаланилаётганлиги аниқланди. Чирчиқ шаҳар марказий деҳқон бозоридаги гўшт растасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз савдо-сотиқ билан шуғулланаётган Фарҳод Тураҳонов давлат стандарти кўригидан ўтмаган, пломбаси йўқ тарозудан фойдаланаётган экан. З. Абдувалиев, Т. Қодирқулов фойдаланаётган тош-тарозулар ҳам давлат стандарти кўригидан ўтмаган эди. Дарров бу тарозулар йиғиб олиниб кўрикдан ўтказиш учун юборилди.

Давлат стандарти кўригидан ўтмаган тош-тарозилар фақат бозорларда «адашиб» юрибдими, десак, йўқ, Бўка туманидаги Ҳамза ҳиссадорлик жамиятига қарашли 3, 6, 9, 19-сонли дўконларда ҳам улардан бемалол фойдаланилаётган экан. Дўкон мудирлари Ш. Муродов, М. Раҳмонов, Н. Тўхтабоева, А. Охунов савдо ишига кеча келган одамлар эмас. Улар савдода қандай тош-тарозудан фойдаланиш мумкин, қайбиридан фойдаланиш мумкин эмаслигини сиз билан биздан яхши билишади. Чамаси, давлат стандарти кўригидан ўтмаган тош-тарозулар уларга наф келтираётган бўлса керак, ҳидини чиқармай келишаяпти. Агар тарозининг пасонгиси харидор томон оғганда борми, дарров ҳаммаёқни остин-устин қилиб юборишлари, қонун-қоидаларни ўртага солишлари турган гап эди.

Хуллас, бозорда ҳам, дўконда ҳам харидор бечора чув тушаяпти. Шундай бўлмаслиги учун ҳар биримиз савдо қонун-қоидаларини, ўз ҳуқуқларимизни пухта билишимиз, бизни алдамоқчи бўлган сотувчи ва чайқовчиларнинг кўзини қонун йўли билан очиб қўйишимиз керак. Солиқчилар бу ишда сизга мададкордирлар. Зеро, савдода тартиб ўрнатиш жамоатчилик билан солиқчиларнинг бевосита ҳамкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

Қайтиб келмас қалдирғочлар

(новеллалар)

Онам Сорахон Каримжон қизининг ёрқин хотирасига бағишлайман

МАЖНУНТОЛ

Онам дарвоза олдида, акам ихлос билан икки четига гардишлар чиқариб қурган бетон кўприк устида, якка-ёлғиз мажнунтол соясида мени қучоқ очиб қаршилайди:

-Келдингми, жоним болам, кўзларимни оқартириб юбордингку!

-Ишларим бирам кўпайиб кетди, ҳеч вақт тополмайман. -Сўнг эркаланаман, ахир, ўн кунгина бўлди-ку, келиб-кетганимга.

-Сенга ўн кун,-онам овозини баландлатади. -Менга ўн йил.

Хато қилганлигимни сезаман.

-Ҳазиллашдим, ойижон, ҳазиллашдим!

Онам юмшайдилар:

-Кел, аввалига пича нафасингни ростла, иссиқда ҳориб келгансан.

Сезаман, ичкари ерга урсанг кўкка сапчийдиган жиянларим билан тўла. Гапни гапга қўшишмайди. Кампирнинг эса мен билан дардлашгиси бор. Она-бола мажнунтол панасидаги якка тахтадан ясалган қўл бола ўриндиққа чўкамиз.

-Кеча тушимга кирибсан, эрталаб нонушта қилаётсам мош мушугимиз ҳам юзини ювди. Булар ҳам майли-я, укангнинг чулдирвоқасидан «амакинг қачон келади» деб сўрасам, «бугун теладилар» дейди.

Ҳар сафар шу, онам қачон келишлигимни сезиб кўчада кутиб олади. Бетон ариқдаги илондек тўлғаниб оқаётган сув қаёққадир бетиним ошиқади. Мажнунтолнинг салқин новдалари кумушранг тўлқинларда соч ювади.

-Болаларинг тинчми? Келиним чопқиллаб юрибдими? Касал бўлмаяптими ишқилиб? - Онам елкаларимни, қўлларимни силайди. -Кўзларинг киртайиб қопти, анча озибсан. Болам - бўтам, деб ўзингни ўтга-чўққа ура берма ҳадеб. Вақтида овқатланиб юргин.

Хизмат тақозоси билан шаҳарда яшаб қолдим. Ҳар гал шундай танбеҳларни эшитаман ва улар менга мойдек ёқади. Бетон ариқ майин жилдирайди. Қишлоқда ягона саналган мажнунтолни онам сувда оқиб келаётган новдасидан суқиб кўкартирган. Шу сабабдан уни «онамнинг мажнунтоли» деймиз.

БИБИ ФОТИМА ҚУШЛАРИ

Авжи баҳор. Борлиқ қулф урган. Ҳовлимиз саҳнидаги пуштиранг гулга бурканган шафтоли, узундан-узоқ пахса деворларимиз ёқалаб қаторлашган беҳи ва олма дарахтлари ҳам хилма-хил ҳарир либосларга бурканган. Кеннойим қаёққадир юмуш билан кетганлигидан нонни онамнинг ўзлари ёпибдилар. Тандирдан узаётганларининг устидан чиқдим. Менга шундоқми, гўё ҳеч ким онам сингари бўрсилдоқ ва тотли нон пишира олмайди.

Она-бола дастурхон устида гурунглашарканмиз, очиқ деразадан бирин-кетин ўқдек учиб кириб келган қалдирғоч жуфти эътиборимни тортди. Қушлар шундоқ ичкари хона эшигининг тепасига қўнишди. Шу зоҳоти ҳамма ёқни эндигина тухумдан чиққан, ҳали пат битмаган жиш қалдирғоч жўжаларининг вижирлаши қулоқни қоматга келтирди. Улар сапсариқ тумшуқларини чўзиб емак сўрашарди.

-Об-бо, ташқарига қўйишса бўлмасмикан инни, чанг-чунглари дастурхонгаям тушди-я,-дедим таъбим тирриқ тортиб. -Айвонга уя солдирмапсизларда! Уясидан гунгиям тўкилади.

Онам эркалатиб тиззамга қоқдилар.

-Вой болам тушмагур-ей, шаҳарда яшай бериб торайиб кетибсан. Тавба дегин, қалдирғочлар Биби Фотима онамизнинг қушлари-я!

Жойимиздан қўзғолганимизча бўлмай қалдирғоч жуфти учтўрт бордан жўжаларини озиқлантиришга улгурди.

-Қалдирғочдек беозор, покиза қуш йўқ,-онам таърифлашга тушдилар. Олдингилар ҳам ҳамиша улар учун эшиклари тепасидан туйнук қўйишган. Шу боиски, ўз тилида сайраб одамларни дуо қилади.

Онам вафотидан кейинги баҳор кунларида қишлоққа ўтганимда ўша қалдирғочларни учратмадим. Ичкаридаги уясини жиянларим бузиб ташлашибди. Онажонимнинг бу қуш хусусида айтганларини эсладим. Улар яна қайтиб келишармикан?

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Болаларни суйиб яшайман

ОНАМГА

Интиқ бўлиб яшаётган жон онажоним,
Кўзларингиз йўлларимда зориқди, толди.
Оҳ онажон, минг биттага бўлинди жоним,
Минг савдога қул бўлдим мен, минг ўтда ёндим.

Муаллимман—болаларни суйиб яшайман,
Болажонлар хукми вожиб ахир жонимга.
Улар билан келажакни туйиб яшайман,
Уларнинг сири шерик ҳар бир онимга.

Мен уларни тайёрлайман бўрон, довулга,
Ургатаман ёмонликка борлигин қасос.
Кузатаман катта шаҳар, кичик овулга,
Машаққатлар, дейман, қуяр ақлга асос.

Сиз ўргатган қўшиқларни айтиб уларга,
Қон-қонига сингдираман нафосат мулкин.

Тоблайдурман меҳрларин қушлар, гулларга,
Ватан, дейман, фақат битта бўлиши мумкин.

Тимсолингиз шуур бўлиб ёғилур ҳар он,
Сизнинг айтган алла бу кун қўшиқ бўлмоқда.
Бўстон эрур сизнинг билан дунё, онажон,
Оппоқ ўрик гулларида толеъ кулмоқда.

Пешонамга шу толеъни туғдайин илиб,
Хайрат отин туёғига ураман ўзни
Агарки мен шеър дардида юрмасам тўлиб,
Юрак мен на қилайин, на қилай сўзни.

Интиқ бўлиб яшаётган жон онажоним,
Кўзларингиз йўлларимда зориқди, толди.
Оҳ онажон, минг битта бўлинди жоним,
Сизни жуда соғиндим мен, минг ўтда ёндим...

БЕГИМ

Исмсиз дард мени қийнайди, бегим,
Минг турли ҳаёллар қайрайди, бегим.
Йўлимда дарёлар йиғлайди бегим,
Кетиб қолай десам гар СИЗдан.

Кенг равон йўллар ҳам торайиб кетар,
Бўз олам кўзимда сарғайиб кетар.
Ғарибтар кўнглим ҳам зардоблар ютар,
Кетиб қолай десам гар СИЗдан...

Шарофат БОТИРОВА.

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги заршунослари ўтган йилни катта ютуқлар билан якунладилар. Хўжаликнинг улкан хирмонига 7-бригада деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар. 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ошириб «оқ олтин» тўпладилар. Ҳозир хўжаликда янги ҳосилга пухта замин тайёрланмоқда.

Суратда: бригаданинг пешқадам пахтакорларидан Нигора Маматқулова. Нигора баҳорги ишларга пухта замин ҳозирлашда намуна кўрсатмоқда.

Маданият хабарлари

ЗЕБУННИСО НОМЛИ МУКОФОТ

Жиззах вилояти хотин-қизлар қўмитаси мумтоз адабиётимизнинг энг йирик намояндаси Зебуннисо номидаги мукофотни таъсис этди. У ҳар йили 8 март халқаро хотин-қизлар куни арафасида ғолибларга топширилади.

«Зебуннисо» номли мазкур соврин ўзининг бутун билими ва қобилиятини фарзандлар тарбиясига бағишлаган уй бекаларига, ижодкор аёлларга, халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш тизимидаги фаол хотин-қизларга ва тадбиркор опасингилларга берилади.

Кўрик танлов ишлари бошлаб юборилди. Ғолибларни Зебуннисо номли пул мукофотлари кутмоқда.

А. ЭРГАШЕВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

ПАРАШЮТ СПОРТИ ЖОНКУЯРИ

Олис Қизилқумнинг Зарафшон шаҳрида яшовчи Дониёр Нуржонов республикамизда ҳали у қадар оммавийлашмаган парашют спорти билан шуғулланади. Бундан бир неча йиллар илгари у шаҳарда аэроклуб ташкил этган эди. Шу давр мобайнида кўплаб ёшларга парашют спорти сирасрорларини ўргатиб, катта ҳаётга йўллади. Клуб Зарафшондаги кон бошқармаси оталиғида.

Ёшларни соғлом ва бақувват ўстириш уларни мустақил Ватанимиз ҳимоясига тайёрлашда ҳарбий-спорт ўйинларининг аҳамияти каттадир. Парашют спорти жонкуяри Д. Нуржонов вилоятнинг қишлоқ туманларида ҳам шундай тўгараклар очиб, ёшларни ватан хизматига тайёрлашни дилига туккан.

Унинг хайрли ишларини мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгаши қўллаб-қувватлаб турибди.

А. ҲАСАНОВ,
Навоий вилояти.

ОМОН МУХТОР

ривоят роман

«Ф Ф У»

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Аммо шу кунлар кутилмаганда...
у, Худоё тавба, деб
ёқасини ушлади.
Гап шундаки...

ўша — Мулла Тошпўлат бозордан «ошна»сини топиб қайтган куни кечга томон
ота-бола
ҳовлида чой ичиб ўтиришар эди.
Қаёқдандир пайдо бўлган бир тўти
дарахтлар, гулзорни қўйиб,
супада хиромон айлана бошлади.
Ганг бўйидан келганми, Нил бўйиданми?!—
тўтининг патлари камалакдек рангин;
ниҳоятда чиройли эди!

Мулла Тошпўлат ажабланиб қараб турган эди...

бундай паллада, нари борса, «Оҳ-оҳ!» ёки «Ий-й!» дейдиган Тоштемирга бехосдан
тил битди:

— Ановини, дада... Катта бир уйинг бўлса. Саройдек! Шифтнинг тўрт бурчагига шунақасидан қафасга солиб, осиб қўйсанг!

Бу ҳаммаси ҳали ҳолва экан...
Тўти супада бир оз айлангач,
ҳуркигандек учди ва —
нақ Тоштемирнинг кифтига қанотини теккизганча,
боши устидан ўтиб, қайтиб қаёққадир
ғойиб бўлди.

Тоштемир эса эски одатича, энди негадир «ффу» деб қўйди.

Шундан кейин...

Мулла Тошпўлатнинг хотини вафот этганидан буён у — ҳовлидаги бир уйда, ўғли — иккинчи уйда ётиб туришар эди.

Туни бўйи
Тоштемирнинг хонасида фонус ўчмади.
Мулла Тошпўлат бу ёққа ағдарилди, у ёққа ағдарилди, ахийри, хаёли қочиб,
ўғлининг ёнига борди:
— Ухламаяпсизми, ўғлим?!
— Бошим оғрияпти... ана, шу ери, дада! Қаттиқ оғрияпти...
Эртаси куни ҳам,
индини ҳам
Тоштемирни бош оғриғи қўйиб юбормади.
Мулла Тошпўлат эсхонаси чиқиб,
овсарланиб қолган эди.

«Биров чилдирма чалса, ўйинга тушибсан, майли. Болани ўйинга солиб нима қилардинг?! Ақл билан, бош билан ҳазиллашиб бўлар эканми?! Келиб-келиб, фарзандинг бошини кимгадир тиқиштирасанми, галварс?!»

Мулла Тошпўлат
ўз-ўзини шундай бурдаламоқда,
жоҳил, ёвуз ота деб
билмоқда эди.

У ўғлини табибга кўрсатишни ўйлади. Лекин қисинди! Бўлган воқеани қандай тушунтириб, Тоштемирнинг юзига қайси кўз билан қарайди?!

У, Ҳайдар Махсумнинг уйига қидириб бориб, «Матоинг бошингда қолсин! Менга боламнинг боши азиз!» — дейишни ҳам ўйлади. Лекин Ҳайдар Махсумга бундай муомала қилишга ҳам унинг журъати етмас эди!

Учинчи кун деганда —
Худога шукр! —
Тоштемир енгил тортди.
Боши оғриши тўхтади.
Онадан янги туғилгандек,
юз, кўзлари порлар, нур инган эди!
Тузалганидан сўнг, Тоштемир
бир куни эрталаб кўчага чиқиб кетиб,
кечқурун
илжайиб қайтди.

— Мен ўйлаб кўрдим. Ишламаса бўлмас экан, дада, — деди у. — Усталар билан гаплашдим. Қурувчилик яхши экан...

Шу кундан эътиборан, Тоштемир
боши билан ишга шўнғиди.
Аввалига бошқа усталарга қўшилиб юрди.
Кейин, ўзи даста тузди.

Одамларга уй қуриб бериш баробарида, Тоштемир —
ҳовли олдидаги майдончада ўзлари учун ҳам
дабдабали бир иморат тиклай бошлади...

Ўғлига эс кирганидан Мулла Тошпўлат хурсанд эди.

Тоштемирнинг болалик пайтларидаги сингари бийрон-хушзабон бўлиб қолганини кўрмайсизми! Энди деярли «Оҳ-оҳ!» ёки «Ий-й!» демайди. Мамнунлиги, ажабланганини ошкор билдиради! Фақат...

«Ффу!» — дейиш эси йўқлардан ҳам кўпроқ
ақлли одамларга хос, ақллилик белгиси эканми?!—

Тоштемир ҳамон баъзан «ффу» деб қўяр эди.

Мулла Тошпўлат ўғлининг ғайратга миниб, терлаб-пишиб ишлаётганидан, айниқса, терисига сиғмай суюнар эди! Лекин...

Тоштемир, у бошлиқ дастада кўринган бир хислат...

улар ўзларига яхши, кўркам иморатлар тиклашар,

бошқалар учун қурган бинолари аксар арзон, қандайдир омонат, алфасона эди!

Бундан Мулла Тошпўлат паришонланиб,
гоҳ-гоҳида
кўнгли ғаш тортар эди!
У ҳали, ҳайрат ичида, —
Худоё тавба, деб
ёқасини ушлаган эди, холос...

Ўғли ҳаётида қандай ўзгариш рўй берганини англаб етмаган эди!

ТОШТЕМИР — БИР...

Энди гапни Тоштемирдан эшитинг.

У, дунёда кўз очиб, она эркалашларини кўрган,
онасига қаттиқ меҳр қўйган эди.

Онаси вафот этганида, бошига тўқмоқ билан ургандек ҳолатга тушган; ўша зарбадан гангиб юрган эди!

Отасининг орзу-умиди нима?! Отаси нега дабдуруст бозорга серқатнов бўлиб қолди?! —
бу ҳақда Тоштемир ақалли ўйлаб ҳам кўрмаган эди!

Ота-бола
кечга томон ҳовлида чой ичиб ўтириб,
супада тўти пайдо бўлганида,
у меҳрибон онажонини эслади...

Онасининг қушлар, айниқса, шоҳлар қасри-саройида гоҳ қафасда, гоҳ эркин яшаган тўтилар ҳақида айтган эртаклари хаёлидан кечди!

Тоштемирнинг кўнгли бузилиб, киприклари намланди.

Биринчи галда, у, отанг Мулла Тошпўлат ҳам, онанг Зулфизар биби ҳам энди мана, шу — отанг; қариган чоғида хор қилиб қўймаслигинг керак, деб ўйлади.

Кейин, инсон ҳам шундай гўзал бир қуш; фарқи — уни қафасга соладиган ҳам, эркинликка чиқарадиган ҳам унинг ўзи; биқиниб-ётиб, отангни кўчаларда саргардон судратган сен эмасми, деган хаёлга борди.

Дафъатан, менинг ўша эртаклардаги шоҳлардан камлик жойим борми?! Тиришиб-курашиб, бемалол шоҳликни қўлга киритиш, шоҳона яшаш мумкин! — деган фикр Тоштемирнинг миясига чақмоқдек урилди. Ҳар одамнинг ичида бир шоҳ! Қийинчиликдан қўрқмасанг, чекинмасанг бас!

Тоштемир энди дадилланиб,
ўзининг ҳашаматли қасри-саройда
масрур, кибор юргани,
Отасининг етти қават кўрпа устида ялпайиб ўтирганини
тасаввур қилди!
Шу пайт тўти боши устидан учиб ўтди.
У беписандлик билан «ффу» деб қўйди.
Уйга кириб, фонусни ёқди.
Торгина хонада нари-бери одимлай бошлади.
Баёнсиз бир нотинчлик —
вужудини қамраган;
айни сонияда —
миясини кимдир аёвсиз пармаламоқда эди.
Кўп ўтмай,
тинкаси қуриб,
дераза олдидаги ўринга чўзилди.
Чўяндек оғирлашган — бошини
кўтаролмай қолди!

Ўзи нима бўляпти?! — Тоштемир тушунмаётган эди.

Бирдан тоби қочганига у ажабланмоқда,
бу унга зўриқиб ўйлагани оқибати бўлиб туюлмоқда эди!
Туни бўйи ухлаёлмади.
Эртаси куни ҳам, индини ҳам
тўшакда тўлғаниб чиқди.
Умрида бундай
азобланмаган эди!
Шу кунлар
жонидан бўлак нарса кўзига кўринмаётган эди!
Аммо тузалиб,
кўчага йўл олгач...
«Менинг шоҳлардан камлик жойим йўқ!
Мен ҳам шоҳ бўлмоқчиман!»

Уни — бундан буён — миясига ўрнашган фикрдан
қайтара оладиган
бирон куч, фармойиш
топиладиганга ўхшамас эди!
У йўлида учраган ҳар қандай тўсиқ-деворни
чигирткадек талаб,
яъжуж-маъжуж сингари ялаб —
илдам ўрмалаб кетаверадиган
кайфиятда эди!
Шу билан бирга,
бунга зид ҳолда, Тоштемир ўзи тўғрисида —

ИНСОН! — ўзини қафасдан эркинликка чиқараётган қуш! — деб ўйламоқда эди! Унга тутган йўли — мўлжаллаган иши чиройли бўлиб кўринмоқда эди!

У ишни одамлар орасига киришдан бошлашга қарор қилган эди.

Шоҳ бўлиш учун биринчи навбатда:
1. Қасри-сарой тиклаши керак.
2. Атрофига одам тўплаши керак.

Тоштемир қурувчи-усталарга учраб, аввалига
ҳар хил дасталар билан танишди.
Кейин, ўзи даста тузди.

Одатда, беш-олтита қурувчи бир дастага бирикишар эди.

Тоштемир эса қирқта йигитни йиғиб,
тўртта гуруҳга бўлди.
Ҳар гуруҳга ўнбоши тайинлаб,
ўзи дастанинг бошида қолди.

Улар уч-тўрт йил бировлар учун ҳам, ўзлари учун ҳам ишлаб, устачилик қилишгач, Тоштемир давраки кенгайтиришга тушди; бошқа дасталарнинг йўлини кеса бошлади. Кўп ўтмай, шаҳарда, кейин бутун вилоятда барча қурувчилар бўйсунган Биргина Даста — Тоштемир деган Бир Мушт пайдо бўлди!

Мана, у атрофига одам тўплаган;
ўзига қасри-сарой ҳам тиклаган эди.

Отаси Мулла Тошпўлатни катта бир хона тўрига, етти қават кўрпа устига ўтқизган эди.

Янада каттароқ хона шифтининг тўрт бурчагига патлари камалакдек рангин тўти солинган қафаслар осиб қўйилган эди.

Тоштемирга қуллар, чўрилар хизмат қилишарди.

Усталар жами уни Оқсоқол, Хўжайин деб билишар, унга Пирдек сиғиниб, қўрқиб қарашар эди...

Тоштемир шахсан устачилик билан шуғулланишга эҳтиёж қолмаган эди! Лекин у ҳамон қурувчилар орасида қуймаланиб юрар эди... Унга энди шоҳликни қўлга киритиш, шоҳона яшаш учун эришган даражаси кам бўлиб туюлмоқда эди!

Орадан маълум муддат ўтгач, Тоштемир
сартарошдан ямоқчигача шаҳар, вилоятдаги турли ҳунармандларни гуруҳ-гуруҳга ажратиб, ишчан йигитлардан ўнбоши, юзбоши белгилаб, уларни ҳам ўша — Биргина Дастага бўйсундира бошлади!

Лекин бу ҳам — унинг назарида — ҳали кам эди...

У шаҳар ташқарисидаги бир ғорни танлаб, мол-мулк, аскар
тўплай бошлади!
Ҳаётида ҳеч бир ўзгариш рўй бермагандек, —
ҳамон қурувчилар орасида уймалашиб
юрар эди.
Аммо вилоятда отнинг қашқасидек,
кундан-кунга унинг номи чиққан,
ҳаммаёққа овозаси кетган эди...

ҚАТРА ХАНДАЛАР

Ёшгина йигит қурилишга ишга келди.
— Хўш, қўлингдан нима иш келади? — деб сўрашди ундан.
— Масалан... чуқур қазиш.
— Яна?
— Юзароқ қазиш.

* * *

Тунда эшик тақиллади:
— Ким у?
— Оч, сен билан гаплашмоқчи эдик.
— Неча кишисизлар?
— Икки киши.
— Жуда яхши, икковинг бемалол гаплашавер!

* * *

Она: — Бунча кеч қайтдинг, ўғлим. Сенда ўзи ақл борми?
Ўғил: — Ўша ақлни қидириб юриб кеч қолдим-да, ойижон!

* * *

Ташқарида ёмғир ёғарди. Эрталаб Азамат:
— Ойи, боғчага бормайман! — деб туриб олди.
— Нима учун, ширинтой?
— Боғчамизда нуқул ёмғир ёғади.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Кундалик ташвишларни бир лаҳза ортга суриб, атрофга назар ташланг-а. Бизни ўраб турган олам ўзгараётганининг гувоҳи бўласиз. Ниҳоят, узоқ кутилган табиат келинчаги - баҳор ўз нафосати ва мўъжизаларини намоён қилиб кириб келди.

Бу йили баҳор ҳақиқатан ўзига хос инжиқликларини намойиш этмоқда. Байрам куни ҳам у «ноз қилиб, қовоғини чимириб олишни» кузатишга тўғри келади. 8-9 мартда ўртача кучдаги геомагнит бўронлари кутилади. Бундай вазият бот хасталиги, вегетатив томирлар дистонояси, бронхит, нафас қисиш хасталиклари билан оғриган беморлар учун ноқулайликлар туғдиради. Улардан шу кунлари кўпроқ ётиб дам олишлари, камроқ ҳаракат қилиб, кун тартибича овқатланиш, дори-дармонларни қабул қилиш, даволаш муолажаларига, уйқу ва дам олиш меъромига қатъий риоя этишлари талаб қилинади.

Об-ҳавога сезгир-беморларга яна даволаш муолажаларига баъзи ўзгаришлар киритиш тавсия этилади. Шу кунлари ботга қарши дорилар (аспирин, метиндол,вольтарен)нинг қабул қилиш меъёрини ярим таблеткага ошириш, эрталаб ва кечқурунлари диозолин, тавегил ёки супрастиндан ярим таблеткадан қўшиб ичиш тавсия этилади. Ультра бинафша нурлари ва бошқа физиотерапевтик муолажалар меъёри аксинча пасайтирилади, жисмоний машқлар билан толиқишдан тийилишга тўғри келади.

Ўпка-нафас йўллари хасталанган беморларга очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш, пиёда сайр этиш, жисмоний тарбия машқлари, тебранма массаж тавсия этилади. Хоналарни мунтазам шамоллатиб туриш, улардан гиламлар, аквариум, мўйнали буюмларни ташқарига чиқариш, уй ҳайвонлари ва паррандалардан сал узоқлашиш керак бўлади. Оёққа иссиқ ванна қабул қилиш, банка қўйиш, бурунга 3-5 томчидан, 2-4 маҳал интал (1капсулани 1-2 мл. дистерланган сувда эритиб) томизиш мумкин. Нафас олиш қийинлашган ҳолларда ёки нафас қисиши рўй берганда димидрол, супрастин, тесфиллин, эфедрин дориларини (мижозингизга ўрнашиб қолганига қараб) истеъмол қилиш керак.

Бод, бронхеал астма билан оғриган беморлар шу кунлари ўзлари истеъмол қилиб келган гормонал дорилар меъёрини сира камайтирмасликлари кераклигига ҳам эътиборингизни жалб этамиз.

Байрамингиз ва байрам ҳафтаси ҳар бирингиз учун омадли келсин. Саломат бўлинг!

Замира ҲАЛИМОВА,
тиббиёт фанлари номзоди.

• Долзарб мавзу

АҚЛИЙ МУЛК — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистонда рўй бераётган муҳим тарихий ўзгаришлар жамиятимизнинг янги иқтисодий тузумга ўтишини бошлаб берди. Хусусий мулкчилик ва унинг қонуний муҳофаза этилиши бу тузумнинг ўзига хос белгисидир. Мулкчилик таркибида ақлий маънавий мулкнинг муҳим ўрни бор. Ҳозирги кунда бу масала кўпчилик ўртасида қизиқиш уйғотаётганлиги сир эмас. Шуни ҳисобга олиб, мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди Абдуғаффор Ортиқов билан суҳбатлашди.

-Абдуғаффор Абдураҳмонович, айтингчи ақлий мулк деганда нимани тушунамиз? Республикамизда унинг ҳаётий ва ҳуқуқий асослари мавжудми?

-Ўзбекистонда ақлий мулк тушунчаси ҳали яқин кунларга қадар одамларнинг тор доирасига тааллуқли эди. Булар асосан илмий ходимлар, ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар, ноширлар, хуллас ижод аҳлидир. Аммо бугунги илмий ва бадиий ижод, халқ маънавий ҳаёти қулф ураётган бир пайтда ақлий мулкнинг янги намуналари яратилиб, унинг ҳуқуқий эгалари майдонга келаяпти, илмий-ижодий асарлар, кашфиёт ва ғоялардан фойдаланишнинг турли-туман йўналишлари пайдо бўлаяпти. Бундан ташқари компьютер техникаси, программалаш, асарлардан нусха кўчирувчи, овоз ёзувчи қурилмалар, лазер дисклари, магнитафон ва видеокассеталар тармоғи ва ҳоказолар тез ривож топмоқда. Патент ҳамда «ноу-хау» бозорлари очилаяпти.

Ақлий мулк барқарор ҳуқуқий ибора сифатида халқаро битимлар, жумладан Ўзбекистон қонунчилигида ҳам қўлланилади. Ақлий мулк адабий, бадиий ва илмий асарлар, ижрочилик фаолияти, овоз ёзув, радио эшиттириш ва телекўрсатувлар, ихтироларга эгалик ҳамда саноат мулкчилигининг турлари, шунингдек холис рақобатдан ҳимоя этиш билан боғлиқ кўплан-кўп ҳуқуқларни ўз ичига қамраб олади. Саноат мулкчилиги ўз навбатида саноат молларининг янги намуналари, товар белгилари, хизмат нишонлари, ихтирочилик ҳуқуқи ва бошқалардан иборатдир. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ақлий мулкнинг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд.

-Ақлий мулкни ифодаловчи шакллар, уларнинг қонуний муҳофазаси ҳақида ҳам тўхталсангиз.

-Қонунларга келсак, энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясини айтиб ўтиш керак. Унинг 42-моддасида баён қилинишича, давлат ўз фуқароларига илмий ва бадиий ижод эркинлиги, маданий бойликлардан фойдаланиш учун имконият бериш кафолатини олади, жамиятнинг маданий, илмий ва техник жиҳатдан тараққий этиши учун ғамхўрлик қилади. «Ўзбекистон Республикасининг мулк тўғрисида»ги қонуни умуман мулкка эгалик, идора қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича муносабатларни тартибга соладиган асосий ҳужжатдир. 1994 йилда қабул қилинган жиноят Кодексида таъкидланишича, тубандаги ҳолларда ақлий мулк ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилинади:

-муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқи бузилганда;

-ахборот қоидаларига риоя этилмаганда;

-ахборот ғайриқонуний равишда тўпланган, тарқатилган ёки фойдаланилган тақдирда;

Ақлий мулк турлари (муаллифлик ҳуқуқи, патент) бўйича қонуний кучга эга бўлган норматив ҳужжатлар - бу Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат қўмитаси ҳамда Патент маҳкамаси буйруқлари, тегишли қўлланмаларидир. Яна муаллифлик ҳақи, асарларни кўпайтириш ва ҳоказо лар миқдорини белгилайдиган норматив ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Айни чоқда шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда ақлий мулк таркиби, уни ҳимоя этиш ва фойдаланиш тартибини тўла-тўкис акс эттирувчи қонунлар ҳали яратилган эмас. Ҳозирча бу хусусда иккита лойиҳа мавжуд. Биттаси Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат қўмитаси мутахассислари томонидан тайёрланган бўлса, иккинчиси Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг олимларига тегишлидир. Умуман ақлий мулк тўғрисида қонун тезроқ қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки чет мамлакатлар билан илмий-техникавий ва маданий алоқаларнинг кенгайиб бораётганлиги ақлий мулк таркиби ва тартибини белгилаш, унинг ҳуқуқий ҳимояси ҳамда мулк эгасининг ҳуқуқ ва бурчларини аниқлаш муаммосини кун тартибига қўймоқда.

1967 йили бўлган Стокгольм конференциясида ақлий мулк жаҳон ташкилотини таъсис этиш тўғрисида конвенция қабул қилинди ва у 1970 йил 20 апрелдан кучга кирди. Мазкур ташкилотнинг бош вазифаси - конвенцияда қатнашувчи давлатларни мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга даъват этиш, илмий ишланмаларни патентлаш, рўйхатдан ўтказиш ва уларни айирбошлаш учун имкониятлар яратишдан иборатдир. Ақлий мулк тўғрисидаги қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида мазкур жаҳон ташкилоти орттирган тажрибани ҳисобга олмоқ даркор.

-Ақлий мулк эгалари қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга?

-Муаллиф (муаллифлар, ташкилот жамоаси ва ҳоказо)га ўз мулкидан тўла тасарруф қилиш ҳуқуқи берилади. Улар учун бир қатор имтиёз ва кафолатлар ҳам кўзда тутилган. Мулк яратувчисиники бўлиб, бошқа шахсларга ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Яъни муаллиф хоҳишига кўра асари, ихтироси, кўрсатуви, эшиттириши ва ҳоказодан фойдаланишга рухсат этади, ёки бу ишни ман қилади.

Шахснинг муаллифлик ҳуқуқи қонунчиликда қуйидагича белгиланган:

Муаллиф ўз асарини нашр қилиш, нусха кўчириш, кўпайтириш ва тарқатиш ҳуқуқига эга: асар, ихтиро, санъат намунаси ва ҳоказоларнинг дахлсизлиги; маънавий (ақлий) мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқи Қонунда белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Шуни таъкидламоқ зарурки, мулк эгасининг ҳуқуқи муайян муддатда амал қилиб, сўнгра тугайди. Ушанда хоҳлаган одам ушбу мулкдан бемалол фойдаланиши мумкин.

-Маълумки, собиқ тузум даврида ақлий мулкка муносабат бошқача эди. Яъни кашфиётлар, ихтиролар, ишланмалардан фойдаланиш учун барча ҳуқуқ давлат ихтиёрига бериларди. Шу муносабат билан республикамизда тайёрланаётган қонун лойиҳаларига қандай янгиликлар киритилаяпти?

-Собиқ совет даврининг ғоявий дастурига биноан олиму ихтирочилар ўз ижодий меҳнатлари маҳсулини жамият ихтиёрига бериб, уни кўпчилик мулкига айлантиришга мажбур эдилар. Бу борада К.Маркснинг ҳар қандай илмий меҳнат, ҳар қандай кашфиёт, ҳар қандай ихтиро кўпчиликнинг меҳнатидир, деган сўзлари илмий асос қилиб олинган эди. Ихтиронинг ҳаётга жорий этилиши тўғрисида давлатнинг ўзи ғамхўрлик қилар, ихтирочи мукофот олгач, бошқа ҳар қандай ҳуқуқлардан маҳрум этиларди.

Муаллифларга «эркин мулкдор» сифатида ақлий мулкдан истаганича фойдаланиш ҳуқуқини берувчи «буржуача» қонунчилик ашаддий танқид остига олинарди.

Мантиқ нуқтаи назаридан қараганда мулкдор ўз мулкидан шахсий манфаатларини кўзлаган ҳолда ўзи истаганича фойдалана олиши керак. Республикамизда тайёрланаётган қонуний ҳужжатлар асосида ана шу маъно ва мазмун ётади.

-«Ғоялар бозори» деганда нималарни тушуниш мумкин? «Ғоялар нарх-навоси» қандай белгиланади?

-«Ғоялар бозори» мажозий маънодаги иборадир. Эътибор берилса бозорда ғоянинг тоза, қуруқ ўзи сотилмайди. У товар (мол) сифатидагина қимматга эга. Таркибида «ғоя» мужассамланган товар (мол) нархини табақалаш - моддий ашё ва савдо хизмати ягона баҳоларини сақлаган ҳолда унинг фақат «ғоявий қисми» нархини табақалашдан иборатдир. Амалда ана шундай товар (мол)ларнинг «Ғоявий қисми» (мазмуни) ақлий мулк ҳисобланиб, табақалаш йўли билан бозорда «ғоя нархини» ифода этади. Товар баҳосининг меъзони харидорга боғлиқ. Масалан, патентли ўта пишиқ тола турли баҳоларда сотилиши мумкин: аэрофаза техникасида ишлатиш учун анча қиммат, айланма қайиш ишлаб чиқариш ҳамда маиший ҳаётда фойдаланиш учун арзонроқ. Ҳар сафар товар (мол) баҳоси унда мужассамланган «ғоя»нинг муҳимлигига ҳамда ишлатилган материаллар нархига мувофиқ равишда белгиланади.

Ақлий мулкнинг ҳар бирида икки нисбий мустақил жиҳат - моддий ашё ҳамда аҳборот мазмуни мавжудлигини фарқламоқ керак. Мазкур товарларда моддий ашёнинг ўрни кўп эмас.

Хулоса қилиб айтганда, тараққий этган мамлакатлар фуқаролари ихтиёридаги ақлий мулк олди-сотди қилинаётган барча товар (мол)ларнинг деярли 50 фоизини ташкил этади. Агар бу жараён давом этаверса, 20-30 йилдан сўнг маънавий мулк хизмат кўрсатиш соҳасини бозордан «сиқиб чиқариб» унинг ўрнини эгаллаши эҳтимолдан холи эмас.

Суҳбатдош:
Шомахмуд ШОБИЛОЛОВ.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

1. Таниқли ўзбек ҳикоянавис адибаси. 2. Жуда келишган нозанин аёлга бериладиган таъриф. 3. Ипакдек юмшоқ ва нозик. 4. Орасталик буюми. 5. Абдулла Қодирий романи асосида суратга олинган «Зулматни тарк этиб» фильми қаҳрамони. 6. Икки чеккага ҳусн учун туширib қўйиладиган ҳалқа шаклидаги соч. 7. Ўзбекистондаги машҳур рақс ансамбли. 8. Энг майин жундан тўқилган рўмол. 9. Асосан аёллар меҳнати билан бунёд бўладиган тўқимачилик буюми. 10. Вафодор малика тимсоли, Алишер Навоийнинг «Ҳамса»сидаги достон қаҳрамони. 11. Ўқимишлилик даражаси, маълумот. 12. Соч ўрими. 13. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» тарихий романи қаҳрамони. 14. Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» романи қаҳрамони. 15. Яратганнинг марҳаматига кўра қилинган эзгулик. 16. Қошга пардоз бериш анжоми. 17. Ўткир зеҳн, ақл-заковат соҳибаси бўлган аёл. 18. Ўзбекистон ойнаи жаҳонини ташкил этган моҳир ва билимдон қизлар кўрик танлови. 19. Тараф-тараф бўлиб ижро этиладиган қўшиқ. 20. Ўзбек халқ достони. 21. Кўрк, ҳусн. 22. Тақинчоқ, зеб-зийнат буюми. 23. Хоразмча машҳур расм куйи. 24. Эркин Воҳидов ғазали билан айтиладиган қўшиқ. 25. Бошга ўраладиган буюм. 26. Пардоз қилишда фойдаланиладиган жиҳоз. 27. Ҳушрўй, ёқимли аёл. 28. Ўзбек халқ рақс куйи.



Ф.ОРИПОВ.

«СЕРАЗ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ СОТАДИ:

Икки модификацияли универсал тегирмонлар;
Шлакли блоклар тўпламлари;
Маккажўхори донини сўтасидан ажратгичлар;
Ун, дон ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларни эловчи механик ускуналар;
Пойдевор плиталари учун қолиплар;
Икки модификацияли шоли оқлагичлар;
Кесувчи дастгоҳ (станок)лар;
Ер ёнғоқ тозалагичлар;
Балконлар учун айвонлар;
Тўловлар ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан бўлади.

Телефон: (3712) 96-61-71. Эрталаб соат 8.00 дан кеч соат 17.00 гача қўнғироқ қилиб мурожаат этиш мумкин.

«ТИМАРТ» фирмаси

тел: (8-3712) 91-02-32, 91-60-01

Металл прокат (труба, учбурчак, арматура, пўлат чивиқ, тахта шаклли металл, швеллер, тунука, металл тасма, чамбарак)ларни етказиб бериш бўйича 1996 йил учун шартномалар тузади.

Металл прокатларни Доимий суратда майда улгуржи тарзда ва вагонлаб сотиб олади ёки айирбошлайди. Диаметри 325-1020 ммли трубаларни ҳамда Украинадан келтирилган Гост 8732 57х4 трубаларни, 6-30х8, 6-100х4 металл тасмаларини, 40-50 ммли учбурчакларни, N5 швеллер ҳамда N20 тўсинларни, қалинлиги 25,40,50 ммли тахта шаклидаги металларни, 25-130 ммли чамбаракларни, диаметри 12-25 ммли арматура ва иссиқхоналар учун қалинлиги 0,12 мм, эни 3 метрли полиэтилен пленкани сотади.

Манзил: 700005, Тошкент-5, 8-Март кўчаси 57-уй, 73 а/я.

«ЎЗТОМИНТЕГРАЦИЯ»

Ўзбек-Россия қўшма корхонаси қуйидаги маҳсулотлар ва ускуналарни сотиб олишни таклиф этади:

Ҳамма турдаги юк машиналари учун автошиналар;
Игна баргли дарахтлар тахта-ёғочлари;
барча турдаги металл прокатлари;
трубалар;
қоғоз-картон маҳсулотлари;
бўёқлар;
пўлат сандиқлар, темир шкафлар;
аккумуляторлар;
кабель маҳсулотлари;
пахта иплари, газмоллар;
видеокамералар, видео-радиоаппаратуралар;

Мурожаат учун телефон: (3712) 50-91-33, 50-91-42, Факс: 50-40-49

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 16 январда генерал Собир Раҳимов номли республика хайрия фонди Уставини рўйхатга олиш тўғрисида берилган 183-сонли гувоҳнома йўқолганлиги учун БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Ишонч» газетаси муҳарририяти рассом Аброр Орипова отаси Илҳомжон ОРИПОВНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт

САККИЗ МАЛИКАНИНГ БИРИ

Мухлислар шахмат оламининг тождору маликаларини яхши биладилар. Эркаклар ўртасида шахмат тожи учун даъвогарлик қанчалик қизғин ва бетакрор воқеаларга бой бўлса, маликалик учун баҳс ҳам муросасизлиги билан ишқибозлар эътиборини қозониб келмоқда. Балки аёллар ўртасида жаҳон биринчилиги учун кураш қачон бошлангани ва илк марта маликалик кимга насиб этгани кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгандир. 1927 йилдан бери аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионати ўтказилиб келинмоқда. Ўтган бир неча ўн йилликлар мобайнида саккиз нафар шахматчи маликалик унвонини қўлга киритган.

Агар Вера Менчик 1927-1944 йиллар мобайнида жаҳон чемпиони номини сақлаб турган бўлса, Людмила Руденко 1950-1953 йилларда маликалик қилган. Шундан кейин Елизавета Быкова (1953-1956 ва 1958-1962), Ольга Рубцова (1956-1958), Нона Гаприндашвили (1962-1978), Майя Чибурданидзе (1978-1991), Се Цзюнь (1991-1996) ва Жужа Полгар (1996) лар жаҳон чемпионлари бўлиб, шахмат оламига маликалик қилишган.

Аслини олганда Осиёнинг Ҳиндистон ва Ўрта Осиё минтақалари шахматнинг ватани ҳисобланади. Зеро, қитъадошларимизга маликалик тожини кийиш узоқ йиллар насиб қилмади. Бундан беш йил аввал хитойлик Се Цзюнь грузиялик Майя Чибурданидзени 8,5:6,5 ҳисобида мағлубиятта учратиб, осиёликлар орасида биринчи бўлиб чемпион бўлди. У орадан икки йил ўтгач Нана Иоселианини енгиб (8,5:3,5), чемпионлик унвонини сақлаб қолди. Мухлислар бу иккинчи ғалабадан кейин шахмат оламига маликалик қилиш бундан буён Осиёда қолса керак, деган ҳаёлга боришди. Лекин шу йилнинг ўтган ойида Се Цзюнь тож учун навбатдаги курашда венгер қизи Жужа Полгарга (4,5:8,5) имкониятини бой бериб қўйди.

Бугунги кунда саккиз маликанинг бири бўлиб турган венгриялик опа-сингил Полгарларни мухлислар яхши билишади. Қизиғи шундаки, Полгарлар эндигина шахмат оламига кириб келаётганларида аёллар билан ўзаро дона суришни ўзларига эп кўришмаган. Опа-сингилларнинг кичиги Юдит эса эркаклар ўртасида жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилган. Албатта бундай «ҳовлиқиш»лар вақт ўтиши билан ўз ўрнига тушди. Жужа аёллар ўртасида тож учун курашни ихтиёр этди. У даъвогарлар баҳсида ғалаба қозониб, курашни давом эттирадиган бўлди. Аммо осонгина жаҳон чемпиони бўлиб олишнинг «йўли» йўқлигини кейинчалик пайқади. Чунки, у ҳал қилувчи баҳсда Иоселианига бас келолмади. Тўғриси ҳисоб 4:4 бўлиб қолди. Қўшимча икки ўйинда яна дуранг (1:1) бўлди. Қуръа ташлаш эса Нанага омад келтирди.

Мирзо АНВАР.

ДУШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Хафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 «Саёхатнома». Италия таассуротлари. 7-кўрсатув.
8.55 «Зебо». Кизлар тележурнали.
9.25 «Таълим ва ислохот».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Биздан озод ва обод Ватан колсин». Рахбар — халк таянчи.
10.35 «Ким айбдор?». «Оловдан эхтиёт бўл, болажон!».
10.55 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.35 «Шартнома — хакконий бўлсин». Публицистик кўрсатув.
12.10 Дони Зокиров номидаги халк чолғу оркестрининг концерти.
12.45 «Ок йирткич ови». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Замин фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Окшом эртаклари.
20.10 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.00 3. Етти иклим хукмдори». Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Сохибкирон». Бадиий ўкиш.
21.15 «Етти иклим хукмдори» (давоми).
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Аёл назокати». Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтидан ёзиб олинган байрам дастури.

II

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мўъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.20 «Мусикий йўлка».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Курьер».
21.20 «... яна об-хаво хакида».
21.30 ТВ II намойиш этади.
21.40 Охангллар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

Россия жамоат телевидениеси 18.20—21.40
*
21.40 «Асов дарёнинг жиловланиши». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Бутун умр мобайнида». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 23.30—23.50
*
23.50 — 24.00 «Бўзсувнинг кузги жилолари». Телефильм.

IV

17.05 «Кўзмунчок». Болалар учун кўрсатув.
17.35 «Такдир». Шахс ва жамият.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
20.15 «Тажриба ва тадкикотлар». Сифатли махсулот ишлаб чикариш.
20.45 «Спорт-тайм».
21.15 «Ок соя».
21.50 — 22.30 «Франция киносанъати».

СЕШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 Республика газеталарининг шархи.
8.40 «Ракслар гулдастаси».
9.10 «Оби хаёт». Жиззах кўғирчок театрининг спектакли.
9.45 «Биржа ва банк хабарлари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Жаннат — оналар оёғи остидадур». Публицистик кўрсатув.
10.30 Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.30 Она тили.
12.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош». Тележурнал.
18.40 Футбол шархи.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Окшом эртаклари.
20.10 «Кеча ва бугун». «Бизга маълум ва номаълум уруш». К. Бахриевнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.30 «Ахборот».
21.00 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Сохибкирон». Бадиий ўкиш.
21.15 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева куйлайди.
21.45 «Акс-садо». Куддус Аъзамнинг муаллифлик кўрсатуви.
22.25 «Унутилмас сатрлар». Захриддин Мухаммад Бобур.
23.10 Мусикий дакикалар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Видеогид».
21.20 Охангллар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигох».
23.20 — 00.20 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

III

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
***
18.20 — 21.40
*
21.40 «Асов дарёнинг жиловланиши». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.20 «Бу ажиб дунё».
*
Россия давлат телевидениеси 23.30—23.50
*
23.50 — 24.00 «Кудук казувчилар». Телефильм.

IV

17.05 «Сиёх одам». Бадиий фильм.
18.05 Эълонлар.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мультикарусель».
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Соккер-клуб». Футбол шархи.
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.45 Ч. Ахмаров хотирасига бағишланган кўрсатув.
23.15—00.05 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 «Акс-садо». Куддус Аъзамнинг муаллифлик кўрсатуви.
9.10 «Унутилмас сатрлар». Захриддин Мухаммад Бобур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Эстрада кўшиклари.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Сихат-саломатлик» почтасидан.
11.30 «Ассалом, япон тили!»
12.05 «Гулгун чехралар». Кинодастур.
12.35 «Мактабимиз — фахримиз».
13.05 «Камондаги калб». Мусикий дастур.
13.35 «Мозийдан садо».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Наврўзни кўмсаб...».
18.35 Спорт хабарномаси.
18.45 «Ёшлик» студияси. «Табобат мўъжизалари». Тележурнал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Окшом эртаклари.
20.10 «Иктисод чоррахаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Сохибкирон». Бадиий ўкиш.
21.15 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Кўшиклар кўрик-танлови.
21.55 «Хотиралар ва ўйлар». Академик Иззат Султон билан сухбат.
22.45 Каратэ. «Наврўз — 96» Халкаро турнири.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Ёшлигим — севгим бахори». Концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».

18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин».
19.05 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хайвонот оламининг сири».
21.50 Охангллар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
* * *
18.20—21.40
*
21.40 «Аёлни изланглар». Бадиий фильм. 1-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.10 «Арвана — туркман туяси».
*
Россия давлат телевидениеси 23.30—23,50
*
23.50—00.05 «Тошлар жилваси». Телефильм.

IV

17.05 «Ранглар жилоси». Телеочерк.
17.35 Телефильмлар.
18.05 Эълонлар.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Экология ва хаёт». Атроф-мухитни мухофаза килиш.
20.30 «Излаган имкон топади». Бандлик, ахолини ижтимоий химоялаш.
21.00 «Ўзбекистон: хамкорлик йўлидан».
21.30 Эълонлар.
21.35 — 22.35 «Тошкент окшомида».

ПАЙШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шархи.
8.40 «Иктисод чоррахаларида». Тележурнал.
8.55 «Хотиралар ва ўйлар». Академик Иззат Султон билан сухбат.
9.45 «Бир том остида». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фармон ва ижро». Мулк — давлат химоясида.

Ўкув машғулотлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 География.
*
12.00 «Оналар мактаби». Тележурнал.
12.30 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу дамлар ўхшар эртакка».
18.40 «Менда фикр бор». Телевизион клуб.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Окшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Боғот тумани хокими, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Шакаржон Хўжаниёзова билан мулокот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Сохибкирон». Бадиий ўкиш.
21.15 «Кел, эй ёрим». Мусикий дастур.
21.55 «Ишингиз бароридан келсин».
22.45 «Армонли дунё». Режиссёр Дамир Шокиров.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.45 «Кутлов». Ахбор Имомхўжаев — 60 ёшда.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.10 «Хай-Фай».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 «Жахон киноси юлдузлари».
21.40 Охангллар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигох».
23.40 — 00.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Олишув», «Олға, Арғамак». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
* * *
18.20—21.40
*
21.40 «Аёлни изланглар». Бадиий фильм. 2-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 Катталар учун мультфильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси 23.30—23.50
*
23.50—00.20 «Шохсупа сари».

IV

17.05 «Китоблар оламида». Телеочерк.
17.25 «Гўзаллик ва мангулик хакида».
17.50 «Бумеранг». Ўзбекистонга экологик анжомларни Швейцариядан етказиб берилиши хакида.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Ўтмишсиз келажак йўк».
21.20 «Дунё эшиги». Ўзбекистоннинг Венгрия билан хамкорлиги хакида.
21.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.25 Эълонлар.
22.30 — 24.00 «Кинематограф».

ЖУМА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 «Армонли дунё». Режиссёр Дамир Шокиров.
9.10 «Ишингиз бароридан келсин!».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Равшан Комилов кўшиклари.
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
12.00 «Кишлок тадбиркорлари». Тадбиркорнинг бир куни.
12.30 «Кичкинтой»га хат келди.
13.00 «Экология ва саломатлик». Чикиндиларни кайта ишлаш муаммолари.
13.30 «Ғазалхон ёшлигим».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Аралаш». Хажвий киножурнал.
18.30 «Янгиланиш йўлида». Андижон механика заводи иш тажрибасидан.
18.55 «Оламга саёхат». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Окшом эртаклари.
20.10 «Хаёт ва конун». Фукаролик жамияти ва унинг маънавияти.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Юнус Ражабий номидаги макомчилар ансамблининг концерти.
21.55 «Оталар сўзи — аклнинг кўзи».
22.55 «Наврўз». Кинодастур.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.45 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг 70 йиллиги олдидан. «Дилдаги гаплар».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.35 «Ривоят».
18.45 «Жума таквими».
18.50 «Эртага — шанба».
19.10 «Охангллар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» такдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тасвир».
21.25 «Таманно».
21.30 Охангллар ва Эълонлар.
22.10 — 23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Катталар учун мультфильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
* * *
18.20—21.40
*
21.40 Навоий номидаги Давлат академик Катта театри. П. И. Чайковскийнинг «Уйкудаги гўзал» балети. Яккахон — Юнико Ивата (Япония).
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Чўл тимсохи». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 23.30—23.50
*
23.50—00.05 «Ок отлар уюри». Телефильм.

IV

17.05 «Айчурек» (кирғиз тилида).
17.45 «Улкан кўлларда». Йўл хотиралари.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Билиб кўйган яхши».
20.25 «Менинг махаллам». Бевосита мулокот.
21.10 «Мусикий мехмонхона».
21.50 «02» тўлкинида.
22.15 Эълонлар.
22.20 — 23.00 «Британия кундалиги».

ШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шархи.
8.40 «Эл ардоклаган санъаткор». Ўзбекистон халк артисти Хамза Умаровнинг хотира кечаси. Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театридан ёзиб олинган.
10.00 «Футбол майдонларида».
10.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг 70 йиллиги олдидан. «Дилдаги гаплар».
11.20 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўкиб...».
11.50 «Тараннум». Мусикий дастур.
12.20 — 14.00 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Танаффус». Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Кувноклар даврасида».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 «Киносалон». Кино олами янгиликлари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Окшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Кўшиклар кўрик-танлови.
21.30 «Олимп сари». Енгил атлетика.
21.50 «Актёрлар ва роллар». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театрининг актёри Дилором Сафоева.
22.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш кадам-бакадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Хайвонот оламининг сири».
10.55 «Автосалон».
11.10 «Сизнинг услуб».
11.25 «Жахон киносининг юлдузлари».
11.50 Охангллар ва Эълонлар.
12.10 «Кинонигох».
13.50 — 14.50 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
* * *
18.00 «Совға».
18.35 «Олам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Охангллар оғушида».
20.05 «Имкон чўккилари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
22.00 Видео янгиликлари.
22.10 Охангллар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

III

Россия жамоат телевидениеси 18.20—21.40
*
21.40 «Офарин-96». «Юлдузлар ёғдуси».
*
Россия давлат телевидениеси 23.30—23.50
*
23.50 — 00.20 «Жонли сайёра».

IV

10.00 «Том Сойер ва Гекльберри Финн саргузаштлари». Болалар учун фильм. 2-серия.
11.10 «Бизнес-мирас» (татар тилида).
11.50 «Янги иктисод».
12.25 — 13.05 «Замондас» (козок тилида).
***
17.05 «Дорбоз Тошкенбоевлар». Телефильм.
17.30 «Мюзик-холл».
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Сиёхдонча». Болалар учун дастур.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Мамлакатлар, вокеалар, одамлар».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45 «Янги технология дўкони».
23.10 — 24.00 «Кинематограф».

ЯКШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»(давоми).
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат киламан».
11.00 «Умр лахзалари». Кибриё Каххорова.
11.30 «Шохрух» клуби.
12.00 «Оталар сўзи — аклнинг кўзи».
13.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.50 — 15.30 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Еттига — етти». Телетанлов.
18.50 «Замон».
19.05 «Ойнаи жахонда...».
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Каюмовнинг янги кўшиклари.
20.30 «Хафтанома».
21.05 «Беш халка жозибаси». Олимпиадачилар базми.
22.25 «Учрашув». Шароф Бошбеков.
23.30 «Хафтанома».
24.00 — 00.30 «Жахон киноси юлдузлари». Жина Лолобриджида.

II

9.00 «Эртак».
9.20 «Ривоят».
9.30 «RAKS» такдим этади.
10.05 «Тасвир».
10.30 «Таманно».
10.40 «Олам».
11.30 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.15 «Охангллар оғушида».
12.30 «Имкон чўккилари».
12.50 «Кўнгил».
13.50 Видео янгиликлари.
14.10 Охангллар ва Эълонлар.
14.30 Видео — «О».
16.10 — 17.00 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Келгуси хафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 Болалар учун. «LEGO сайёраси».
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Салом, ёшлар!».
20.30 «Хафтанома».
21.05 «Илхом сатрлари».
21.10 «Фармед».
21.20 «Охангллар оғушида».
21.30 «Шахс ва бахс».
21.50 «Даракчи».
22.00 «Келгуси хафтада».
22.10 Охангллар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

III

Россия жамоат телевидениеси 18.20—22.50
*
22.50 «Манкурт хакида кисса». Телефильм.
23.00 «Панорама».
23.25 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси 23.30—23.50
*
23.50 — 24.00 Катталар учун мультфильм.

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сехрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 «Дарсга кўнғирок».
12.45 «Эсдалик учун дастхат».
13.10 — 13.40 «Болалар ва дунё».
* * *
17.00 «Сенинг вактинг». Ёшлар дастури.
17.30 «Миср эхромлари». 1-кўрсатув.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Сиёхдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Мамлакатлар, вокеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.55 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!»
21.55 «Буюк Турон». Лотерея ўйини.
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 23.50 «Сиз учун куйлайман».

Мунажжим таъбири:

Далв (20.01—18.02) ойида туғилганларни аввалги хафтада югур-югурлар кўпайгани сабабли энди чарчокни ёзиш кунлари кутади. Лекин харакатда бўлмок кўп натижаларни насиб килур. Хафтанинг аксари кунлари хотиржамлик ва осойишталик билан ўтади. Иктисодий жихатдан катта даромад орттириш билан оилавий хаётда кувончли вокеаларга йўл очилади. Хафтанинг сўнгги кунлари сафарга чикиш, масъулларга иш юзасидан мурожаат килиш мумкин.

Хут (19.02—20.03) ойида туғилганлар учун бу хафта жуда мароkли ва сермазмун кутилур. Бутун хафта давомида кўзлаган натижаларга эришилади. Рахбарлар кабулига кириш хам яхши натижалар беради. Хафта ичи эски кадрдонлар билан учрашув, оилада кувончли вокеалар рўй бериши кутилур. Мазкур ойда туғилганлар ўзларини рисоладагидай тутишлари лозим.

Хамал (21.03—22.04) ойида туғилганлар учун бу хафтанинг аввалги ярми нахс, колгани эса омадли келиши кутилур. Шунинг учун бу хафта аввалида бир оз эхтиёткорлик билан иш кўрилса ва атрофдагилар билан ширин муомалада бўлинса - бир канча нохушликларнинг олди олинган бўлур. Бу кунларда иложи борича бирор янги ишга кўл урмаслик, шартномалар тузмаслик, сафарга чикмаслик ва савдо-сотик билан шуғулланмаслик максадга мувофикдир. Бундан ташкари доимо Аллох Таолони эслаб тўғри туриб, тўғри юриши матлубдир. Аммо хафтанинг колган кисмида иншоолох, барча ишлар юришиб кетиб режадаги юмушларга кўл уриш хайрли бўлур.

Савр (23.04—20.05) ойида туғилганлар учун бу хафта тўла омадли келиши кутилур. Бу кунларда режадаги барча ишларни бажариш мумкин. Хусусан савдо-сотик, ишлаб чикариш ва дала ишларида катта муваффакиятлар козонилади. Бундан ташкари оила ва ишхонада бир канча кувончли вокеаларга шохид бўлишликнинг эхтимоли бор. Хафта давомида оила бюджетига маблағ тушиши, ғойибдаги якинлари хозир бўлиши ва бемор ётган кавм-кариндошларининг шифо топиши кутилур. Бу кунларда ота-онани зиёрат килиб, уларнинг розилигига эришиб, дуоларини олиш жуда хам улуғ савобдир.

Жавзо (21.05—22.06) ойида туғилганлар учун бу хафта тинч ва осойишта ўтур. Деярли бирор эсда коларли вокеа юз бермаслиги кутилур. Хафта давомида сафарга чикиш ва маросимлар ўтказиш мумкин. Бу кунларда ота-она ва кариндош-уруғлар зиёрати кўп савобли иш хисобланиб, келажакда хамма ишлар яхши бўлишига сабаб бўлур.

Саратон (23.06—21.07) ойида туғилганлар учун бу хафтанинг аввали бир оз нохуш бошланиши кутилур. Жумладан, ишлар юришмаслиги, савдонинг тўхтаб колиши, оилада жанжаллар кўпайиши кабилар кишини анча гангитиб кўяди. Лекин аста-секин ишлар юришиб кетиши кутилади. Хусусан, тўғри юриб, тўғри турилса, хамда Аллох Таолонинг буйруклари адо килиб борилса, иншоолох, хаммаси яхши бўлиб кетади.

Асад (22.07—22.08) ойида туғилганлар учун хафта нахс аралаш келиши кутилур. Шунинг учун бу кунларда иложи борича катта ишларни бошламай туриш маъкул. Шу билан бирга савдо-сотик ва ишлаб чикаришни хам тўхтатиб туриш маъкул. Хафта давомида сафарга чикиш, тўй-хашамлар ўтказиш ва бошликлар хизматида бўлиш кўп муваффакиятли тугар.

Сунбула (23.08—22.09) ойида туғилганлар учун бу хафта оддий келиши кутилур. Одатдаги ишларни давом эттириши мумкин. Хафта давомида сафарга чикиш, тўй-хашамлар ўтказиш, рахбарлар хузурида бўлиш хам кўнгилдагидай бўлур. Мазкур кунларда ота-оналар хаёт бўлсалар уларни зиёрат килиш, кўнгилларини овлаш, вафот этган бўлсалар хакларига дуолар ва хайри-эхсонлар килиш кўп маъкул ишлардандир.

Мезон (23.09—22.10) ойида туғилганлар учун бу хафта тўла омадли келиши кутилур. Бу кунларда шартномалар тузиш, хизмат сафарига чикиш, рахбарлар кабулида бўлиш кўнгилдагидай натижалар келтиражак. Ушбу кунларда савдо-сотик, ишлаб чикариш, илмий ишлар ва дала юмушлари унумли бўлиши кутилур. Бундан ташкари маънавий сохада хамда ишхонада яхшигина хурсандчиликлар юз бериши эхтимоли бор. Мазкур хафтада бева-бечора, етим-есирларга хайр-эхсон килиш хамда мухтожларга маънавий ва моддий ёрдамлар бериш факат кутилажак омадларга омад кўшади.

Акраб (23.10—21.11) ойида туғилганлар учун бу хафта тўла омадсиз келиши кутилур. Шунинг учун иложи борича хар кандай ишдан, хусусан, натижаси номаълумлардан сакланмок лозим. Кўпрок вактни оила кучоғида фарзандлари тарбияси билан ўтказиши кутилган нохушликларнинг олдини олур. Бу кунларда сафарга чикмаган ва иложи бўлса, рахбарлар билан мулокотда бўлмаган яхши. Колаверса камбағал, бева-бечораларга хайри-эхсон килиш мумкин бўлган нахсликларнинг даф бўлишига сабаб бўлажак.

Кавс (22.11—21.12) ойида туғилганлар учун бу хафта осойишта ва оддий ўтиши кутилур. Мазкур кунларда доимий кундалик ишларни давом эттиравериш мумкин. Шу билан бирга хизмат сафарига чикиш, рахбарлар кабулида бўлиш хам кутилган натижалар келтиради. Хафта давомида оилада ва ишхонада кувончли вокеалар шохиди бўлишлик кутилур. Бу кунларда камбағал, бева-бечораларга хайр-эхсон килинса ва кариндош-уруғлар билан бўладиган алокалар кучайтирилса, иншоолох, кунлар яна хам тинч ва осойишта ўтади.

Жадди (22.12—19.01) ойида туғилганлар учун бу хафта оддий кунлардан иборат бўлиши кутилур. Деярли эсда коладиган вокеалар бўлмаслиги эхтимол килинур. Бу кунларда оилавий кариндош-уруғларни зиёрат килиш жуда мароkли ўтиши кутилур. Ишлаб чикариш, илмий иш ва дала ишлари билан шуғулланишлар хам иншоолох, кўнгилдагидай натижалар беражак. Хафта давомида муштипар ота-оналарни эслаш, уларнинг ризоликларини олиш, вафот этган бўлсалар уларнинг хакларига дуолар ва хайр-эхсон килиш, уларни шод айлагувчи ишлар билан шуғулланиш кўп савобли бўлур. Валлоху Аълам.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-58-43. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
- Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

- IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Тиражи 29.826 Буюртма Г- 0147. Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди 22.00. Масъул навбатчи: Нодир АЛИМОВ. 1 2 3 4 5 6